

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336,5**

НАРБЕКОВА ГУЛРУҲ ДАВРОНОВНА

**НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230702-«Банк ҳисоби ва аудити»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
доц. Марпатов М.**

ТОШКЕНТ-2013

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	4
I БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ- КИТОБЛАР ТИЗИМИ.....	7
1.1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларнинг иқтисодиётдаги ўрни	7
1.2. Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни тавсифи	15
1.3. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича банк назорати.	24
II БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	34
2.1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш.	34
2.2. Банклараро тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш.	44
2.3. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш механизми.	51
III БОБ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.	59
3.1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали ривожлантириш	59
3.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали такомиллаштириш	72
ХУЛОСА	79
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.	83

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон молиявий инқироzi шаройитида банк тизими фаолиятини ислоҳ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда бевосита нақд пулсиз ҳисоб- китоблар тизими роли муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши республикада фаолият юритаётган банкларнинг ривожланишига катта хисса қўшади. Мамлакатимизда банк-молия бозори жадал суратлар билан ривожланаётган соҳага янги хизмат турларининг жорий қилинаётганлиги, яққол намоён бўлади. Хусусан, сўнги йилларда нақд пулсиз ҳисоб- китоблар орқали тўловни амалга миждоз учун ҳам, банк учун ҳам фойдали, қулай, тезкор ва самаралидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиклантириб турадиган қон томир ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ...»¹

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид чора тадбирлари тўғрисида”ги 433- сонли қарори ҳамда 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш рағбатлантириш бўйича қўшимча чора тадбири тўғрисида” ги ПҚ 1325-сонли қарорларининг қабул қилиниши нақд пулсиз ҳисоб-китоблар муомиласининг ривожланишини таъминлайди.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг якунларива 2012 йилда Ўзбекистонни иждимой-иқтисодий ривожлантиришнингустувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси ” “Халқ сўзи” 20.01.2012 йил №14 (5434)

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўловлар тизими соҳасида бош молиявий мақсад, жойларда пул маблағларини хавфсиз ва самарали ўтказишдан иборат. Нақд пулсиз ҳисоб- китобларни ўтказишдаги тежамкорлик масаласи эса, тўловлар тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир. Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, Марказий банк томонидан «Нақд пулсиз ҳисоб китобларни амалга ошириш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди ва 2002 йил 12 январда Ўзбекистан Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди.

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида мамлакатимиздаги банк тизимининг ўрни катта. Банк тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда банк тизими кундан-кунга ривожланиб борар экан, банклар ўртасидаги шқаро алоқалар, ҳисоб-китобларни ўтказиш механизминини такомиллаштириш талаб этилади. Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 90% нақдсиз пул айланишининг ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилиши кўп тармоқли банк тизимининг ривожланишига давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўғанишга ва уни тартибга солишга, мулкчилик шакллариининг кўпайишига ва турли мулкчилик муносабатларини кенгайиб боришига асос бўлади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш масалалари кўпчилик иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг эътиборида бўлган. Хусусан, хорижлик олимлардан Л.Г. Батракова, Г.Н. Белоглазова, О.В. Ефимова, Е.П. Жарковская, Г.Г. Коробова, О.И. Лаврушин, Д.М. Нотон, И.В. Пещанская, А.К. Полищук, А.Д. Шереметларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз олимларидан Ф.Абдувоҳидов, С.Абдуллаев, Ш.Абдуллаева, Н.Каримов, Т.Қоралиев, И.Муругова, К.Наврўзова, С.Норқобилов, У.Ортиқов, Х.Раҳимоваларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади – тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилади:

Тадқиқот объекти – тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети – тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли ёндашув, анализ ва синтез усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар жараёнида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштиришда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора–тадбирлар ишлаб чиқишида кенг фойдаланиш мумкинлиги, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўғри юритилишига ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг тезлашишига хизмат қилиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банklar”, “Банк иши”, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника”, “Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ- КИТОБЛАР ТИЗИМИ

1.1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларнинг иқтисодиётдаги ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаолияти жараёнида доимо бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Улар ўртасида товар айирбошлаш жараёни пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айирбошлашнинг ўзи эса пул айланишининг моддий асоси ҳисобланади, унинг асосида бошқа пулли муносабатлар, жумладан, пенсия фонди, суғурта фонди, солиқ идоралари, банк муассасалари билан бўладиган пулли муносабатлар вужудга келади.

Иқтисодиётда юзага келадиган пули муносабатларда пул шакилларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулсиз айланишга ва нақд пули айланишга бўлинади. Чакана савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пули айланишга коммунал хизматлар учун тўловлар, ишчи хизматчиларга иш хақи ва шунга тенглаштирган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларига баддалар тўлаш, уй-жой қурилиши ва бошқа мақсадлар учун аҳолии томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ, тўловларнинг тўланиши киради.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоқли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан микроиқтисодий

жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуқтаи-назаридан давлатларнинг қизиқиши, мулкчилик шакилларининг кўпайиши ва турли мулкчилик муносабатларининг кенгайиб бориши асос бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг товар айрибошлаш хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобварақга ўтказиш тушунилади.

Иқтисодиётга нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маълум тизим асосида олиб борилад. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш олдида қўйилган талабларни олади.

Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг биринчи тамойили мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юрутувчи субъектлар ўз маблағларини банкдаги ҳисоб-варақларида сақлашлари ва барча операцияларни банк орқали ўтказишлари лозимлигини билдиради. Бозор муносабатлари шароитида ҳисоб-китобларнинг банк орқали ўтказилиши бозор иштирокчиларининг иқтисодий мустақиллиги билан қўшиб олиб борилиши керак.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олдида бир қатор талаблар қўйилади. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнларида уларга амал қилиш талаб қилинади.

Бу талаблар қуйдагилар:

Биринчидан, айланма маблағларнинг айланишлигининг узликсизлигини таъминлаш лозим, яъни хўжаликда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Хўжалик юрутувчи субъектларга тегишли бўлган маблағлар дойимий ҳаракатда бўлиши керак. Уларнинг дойимий равишда доиравий айланишида бўлиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ижобий таъсири натижасида бўлади.

Иккинчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг муддатлилиги деб қараш мумкин. Бу талабнинг моҳияти шундан иборатки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш вақт жихатидан уларнинг маълум бир давирда, ёки маълум бир муддатда амалга оширилишини тақоза қилади. Уларни амалга ошириш вақти қанчалик кам бўладиган бўлса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шунчалик тез амалга оширилса, хўжалик юритувчи субъектлар бўлган мол етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасида молний етказиб бери шва уларнинг пулини ундириб олиш шунчалик қисқа ва тез муддатларда амалга оширилса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Учинчидан, тўловларни амалга оширишдаги жавобгарлик масаласи ҳисобланади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишининг олдига қўйилган бу талаб ҳам, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади. Бу талабнинг мавжуд бўлиши юқоридаги икки талабнинг бажарилишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширишда жавобгарликнинг бўлиши пул маблағларининг доиравий айланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Туртинчидан, мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш. Бу талаб нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишида мажбурият шартининг, яъни шартнома шартларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эканлигидир. Шу нарсани такидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўловларни ўз вақтида ўтказилиши ва тижорат банклари вакиллик варақлари ҳолати бўйича назорат ўрнатган. Банк вакиллик варақларида маблағнинг етарли бўлмаслиги, ёки бошқа сабабларга кўра ўз миқдорлари талабини бажара олмаса, тижорат банкларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ҳозирги кунда миллий тўлов тизими яратилган.

Тўлов тизимининг турлари:

банклараро тўлов тизими;

банкнинг ички тўлов тизими;

чакана тўловлар тизими.

Тўлов тизимлари турли шаклларда ташкил этилади, лекин уларнинг мақсади доимо битта, яъни аҳолига ва хўжалик субъектларига ўз пул маблағларини бир банкдаги ҳисобварақдан бошқа банк ҳисобварағига тез ўтказиб беришни таъминлашдир. Тўловчи ва тўловни оловчи учун муқобил йўл бўлиб нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилиш ёки бартер бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳисоб-китоблар кўп ҳолларда чекланган бўлади.

Тўлов тизимини яратувчи тўлов ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида белгиланган тўлов тизими қоидаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг электрон тўловларни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўлов тизимининг барча субъектлари учун мажбурийдир.

Тўлов тизимининг аъзолари ва тўлов тизимидан фойдаланувчилар тўлов тизимининг субъектларидир.

Тўлов тизимидан фойдаланувчиларга электрон тўловларни амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар тўлов тизимининг аъзоларидир.

Қайси юридик ёки жисмоний шахсларга электрон тўловларни амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатилаётган бўлса, шу юридик ёки жисмоний шахслар тўлов тизимидан фойдаланувчилардир.

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Банкнинг ички тўлов тизимини ташкил қилиш “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами № 630, 11.02.1999 й.) мувофиқ бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Банкнинг ички тўлов тизими банк филиаллари ва мижозлари ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш, шунингдек банклараро тўлов тизими билан ўзаро ҳаракатда бўлиш учун мўлжалланган.

Банкнинг ички тўлов тизими қоидалари тўлов тизимининг аъзоси – банк томонидан белгиланади.

Чакана тўловлар тизимларини ташкил қилувчи, бошқа тўлов ташкилотлари - резидентлар қонунчилиққа мувофиқ рўйхатдан ўтишлари керак.

Чакана тўловлар тизими банк карталари ва бошқа электрон тўлов воситалари (бундан буён матнда электрон тўлов воситалари деб юритилади) қўлланилган ҳолда электрон тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Электрон тўлов воситаси унинг мазкур чакана тўловлар тизимига мансублигини идентификациялаш имкониятини берадиган фарқловчи белгиларга (товар белгисига, хизмат кўрсатиш белгиларига) эга бўлиши керак.

Чакана тўловлар тизимининг қоидалари мазкур чакана тўловлар тизимини тузган ташкилот томонидан белгиланади.

Тўлов ташкилоти ўзаро шартномалар тузилган чакана тўлов тизими аъзоларининг рўйхатини олиб бориши, бунда чакана тўлов тизими аъзоларининг тартиб рақами ва барча хизмат кўрсатиш пунктлари (манзиллари билан) ҳамда шартномаларнинг санаси ва рақами кўрсатилган бўлиши керак.

Банклар тўлов тизимидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ операциялар бўйича пул ўтказишда, шу билан бирга мижозларнинг операциялари бўйича пул ўтказишда фойдаланадилар.

Қандай шаклда фойдаланишдан қатъий назар тўлов тизими ўз ичига 4 босқични олади.

1-босқич - тўловнинг бошланиши, яъни тўловчи ўз банкига пулни ўтказиб бериш тўғрисида топшириқ беради.

2-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида тўлов ҳужжатларининг алмашиши, кўпинча бу операция клиринг деб юритилади.

3-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида ҳисоб-китоб ўтказиш, яъни тўловчи банки пул ўтказиб бериши лозим. Бундан ташқари, банклар учинчи иштирокчи орқали, унда ўз ҳисобварақларини очиш орқали ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Бу ҳолда кўпинча учинчи томон ролини Марказий банк бажаради.

4-босқич – тўловларни қабул билан боғлиқ операцияларни якунлаш.

Тўлов тизими турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади.

Масалан, Брюс Саммерс фикрича, иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятларни ушлаб туриш учун пули тўловларни ўтказишда ишлатиладиган маблағлар йиғиндисига тўлов тизими дейилади.

Бу талқинда асосий ўрин маблағларга берилаяпти, бунинг учун нақд ҳамда нақдсиз пуллардан фойдаланилади. Юқоридаги талқиндан яна шундай хулосага келиш мумкинки, тўлов тизими мажбуриятларни ушлаб туриш имкониятини беради. Нақдсиз пуллардан фойдаланиладиган тўлов тизимида маълум бир тўлов воситалари ишлатилади, яъни маблағларни ўтказиш учун қоғоз ҳужжатлар ёки электрон ҳужжатлар ишлатилади. Жаҳон банки мутахассисларидан яна бири О.Маргарет тўлов тизимига қуйидагича таъриф берган. «Тўлов тизими бу - пул маблағларини ўтказиш механизмидир». Тўлов тизимига яна бир таъриф Россиянинг иқтисодчиси М.П. Берёзина томонидан берилган бўлиб, унга кўра «мамлакатнинг тўлов

тизими - бу иқтисодий фаолият натижасида юзага келувчи қарз мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи, қонуний бошқарилувчи элементлар йиғиндиси». Бу таъриф мазмунан Брюс Саммерс таърифига яқинроқ эканлигини кўриш мумкин, яъни бу икки таърифда «... юзага келган мажбуриятлар...» деган тушунча ишлатилган.

Демак, бу таърифларда товар ва хизматлар қийматини тўлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар, шу билан бирга молиявий мажбуриятлар ҳам кўзда тутилган. Молиявий мажбуриятлар давлат бюджети олдидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятларидир деб қарайдиган бўлсак, унда барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, жумладан, банкларнинг давлат бюджетини кассавий ижро этиш операцияларининг бажарилишини тўлов тизими орқали амалга оширилишини кўришимиз мумкин.

Бир қатор таърифларни кўриб, улар тўғрисида мушоҳада юритиш натижасида тўлов тизимига умумий қилиб қуйидаги таърифни берамиз:

«Тўлов тизими - иқтисодий фаолият натижасида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича субъектлар ўртасида пул маблағларининг қонун-қоидалар асосида ҳаракатланишини таъминловчи дастур ёки механизмдир».

Бизнинг фикримизча, бу механизмни ҳаракатга келтириш учун иштирокчилар, механизм олдида қўйилган ҳуқуқий талаблар, тўлов воситалари ёки қуроллари керак бўлади.

Тўлов тизимининг иштирокчилари бўлиб жисмоний шахслар, юридик шахслар, ҳукумат, банклар ва бошқа молиявий институтлар бўлиши мумкин. Жисмоний шахслар тўлов тизимини бошқариб турувчи Марказий банк билан бевосита алоқада бўлмасаларда улар тўлов тизимида қатнашадилар. Бу қатнашув билвосита бўлади, яъни юридик ва жисмоний шахслар ўзларига хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварақаларидаги пул маблағларини бошқа банкка ўтказиб бериш бўйича топшириқ берадилар. Бу топшириқни бажариш учун тижорат банклари тўлов тизимига боғланади. Агар ушбу иштирокчилар бўлмаганда эди тижорат

банкларининг ўзи тўлов тизимининг тўлақонли иштирокчилари бўлиши мумкин эмас эди.

Шу билан биргаликда ҳукумат ҳамда турли молиявий институтлар ҳам тўлов тизимида қатнашадилар. Бу қатнашув ҳам тижорат банклари орқали бўлади. Чунки уларнинг ҳисобварақаларини тижорат банклари юритадилар. Демак, ҳозирги кунда республикамиз тўлов тизимининг асосий ва бевосита иштирокчилари тижорат банкларидир. Бу ҳақда батафсил қуйироқда тўхталиб ўтамыз.

Тўлов тизимига механизм сифатида қараб унинг олдида қўйилган бир қатор талабларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, тўловчи ва пул олувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиши керак;

Иккинчидан, пул маблағларининг ўтказилиши ҳуқуқий томондан белгиланган бўлиши лозим, яъни қонун билан мустаҳкамланган тартиблар амалиётга тўла тадбиқ этилиши лозим;

Учинчидан, кўпчилик томонидан қабул қилинган бўлиши керак;

Тўртинчидан, кам харажатли бўлиши, таннарх ҳисобга олиниши лозим;

Бешинчидан, йўқотишлар ва қонунбузарликларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Агар юқоридаги санаб чиқилган талабларга жавоб берса, бундай тўлов тизими муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин.

Тўлов тизимини механизм сифатида қараганимизда унинг яна бир ҳаракатга келтирувчи элементи сифатида тўлов воситаси ёки тўлов қуролларини кўришимиз мумкин. Тўловни ўтказишни бошлаш айнан тўлов воситаларини танлашдан бошланади. Тўлов воситаларига кредит инструментлари сифатида тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, инкассо топшириқномаси, аккредитив очиш учун ариза, дебет инструментлари сифатида эса чекларни киритиш мумкин. Ҳозирги кунда

магнит, пластик карточкалар ҳам тўлов воситалари сифатида кенг ишлатилмоқда.

Бу ҳар хиллик турли давлатларнинг турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитлари билан белгиланади. Баъзи давлатларнинг Марказий банклари тўлов тизимини яратиш ва уни эксплуатация қилиш масалаларига чуқур киришиб кетганлар. Бундай давлатларга Германия, Франция, Италия ва Испанияни киритиш мумкин. Баъзи давлатларнинг Марказий банклари конунчилик билан белгилаб қўйилган специфик мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган мувофиқлаштирувчи ролини бажаради. Баъзи давлатлардаги Марказий банклар ўз мижозлари номидан тўловларни бажариш бўйича актив фаолият олиб боришни афзал кўрадилар Америка қўшма Штатидаги Марказий банклари ўз фаолиятини кўпроқ тўлов хизматларини тижорат асосида олиб боришга ҳаракат қилади.

Тўлов тизимида Марказий банкларнинг иштироки турлича бўлишига қарамай, уларнинг мақсадлари деярли ўхшаш, хусусан, камроқ харажат қилиб минимал таваккалчилик асосида фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи тизимни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси тўлов тизими ҳам Марказий банк томонидан ташкил қилиниб, тизимнинг ҳаракати ҳисоб-китоб марказлари орқали амалга оширилади. Республика Марказий банки ҳисоб-китоб маркази фаолиятини мувофиқлаштириб, назорат олиб боради.

1.2. Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни тавсифи

Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маълум тизим асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари, усуллари ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш олдига қўйилган талабларни олади. 1930-32-йилларда ўтказилган кредит ислоҳоти даврида киритилган ва Собик Иттифок даврида мавжуд бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар

тизими иқтисодий ёни бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик усулларига асосланган эди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва сотиш режаларини бажариш нуктаи назаридан маҳсулот сотувчи корхона қизиқишларига хизмат қилар эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бажариш учун иқтисодий қизиқишлари ва жавобгарлигини чегараланган қатъий қилиб белгиланган эди. Бу тамойиллар қуйидагича белгиланган:

- банк нақд пулсиз-ҳисоб китобларни ташкил қилади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилади;
- тўлов вақти қатъий белгиланган, яъни барча тўловлар товарлар жўнатилгандан кейин ёки хизмат бажарилгандан сўнг ўтказилади. Аванс тўловлари тижорат кредитига рухсат этилмас эди;
- тўловчининг розилиги тўлов ўтказилишининг асоси сифатида тан олинган;
- қайси соҳада қайси ҳолларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ишлатилиши, уларни ташкил қилиш тамойиллари тўловчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилиқ қобилиятини ҳисобга олмас эди.

Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг биринчи тамойили мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини банкдаги ҳисобварақларда сақлашлари ва барча операцияларни банк орқали ўтказишлари лозимлигини билдиради. Бозор муносабатлари шароитида ҳисоб-китобларнинг банк орқали ўтказилиши бозор иштирокчиларининг иқтисодий мустақиллиги билан қўшиб олиб борилиши керак.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг иккинчи тамойили шундан иборатки, мижозларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини кўчириш, уларнинг топшириғи ёки розилигига асосан ҳисобварақдаги маблағлар миқёсида бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши муносабати билан Марказий банк томонидан мижозларнинг ҳисобрақамлари бўйича операциялар ўтказиш тартиби белгиланган. Ҳисобварақлардан маблағларни ўтказиш ҳисобварақ эгасининг топшириғига биноан бажарилади. Мижозларнинг буйруғисиз ҳисобварақлардаги пул маблағлари фақат суд қарорига биноан, қонунда белгиланган тартибда банк ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан қўчирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига асосан мижозларнинг ҳисобварақларида барча талабларни бажаришга пул маблағлари етарли бўлган ҳолларда пул қўчириш бўйича мижознинг топшириғи ва бошқа ҳужжатларнинг келиб тушиши тартибда ҳужжатлар тўланиши лозим. Мижоз ҳисобварақдаги барча талабларни тўлашга маблағлар етарли бўлмаган тақдирда ҳужжатларнинг тўланиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Хўжалик субъектларининг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини қўчириш тўғрисида”ги 1122- сонли йўриқномасига асосан амалга оширилади.

Агар мижоз билан банк ўртасида кредит шартномаси тузилган бўлса, тўловлар банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг учинчи тамойили шундан иборатки, маблағлар тўловчининг ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг олувчининг ҳисобварағига ўтказилади. Тижорат банкларининг ҳисоб чеклари бўйича пул ўтказиш бундан мустасно.

Ҳисоб-китоблар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро эътирозлар белгиланган тартибда банк иштирокисиз қўриб чиқилиш ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг тўртинчи тамойилидир. Банklar ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар бўйича пеняларни ҳисоблаш ва ундиришга жавобгар эмас. Тўловчи юклаб жўнатилган маҳсулотлар учун ўз вақтида тўланмаган суммага ҳисобланган пеняни тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган хўжалик шартномасида кўзда тутилган

тартибда тўлайди. Агар банк билан мижоз ўртасидаги шартномада пеня ҳисоблаш ва ундириш кўзда тутилган бўлса, бу ҳолда банк ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар бўйича пеня ҳисоблаш ва маҳсулот сотувчи корхона фойдасига ундириб бериши мумкин.

Накд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб боришнинг бешинчи тамойили ҳисоб-китоб шакллари танлаш билан боғлиқ. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиши шароитида накд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш хўжалик органлари томонидан ҳисоб-китобни эркин танлаш тамойилидан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди. Бу тамойил ҳисоб-китоб иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ижобий натижалари учун моддий жавобгарлигини оширишга, ҳисоб-китоб ва шартномавий муносабатларини ташкил қилишда иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг олтинчи тамойили тўловнинг муддатлилигидир. Бу тамойил катта амалий аҳамиятга эгадир. Хўжалик юритувчи субъектлар тўловнинг қандай муддатга келиб тушиши тўғрисидаги ахборотга эга бўлган ҳолда хусусий маблағларининг айланишини оқилона ташкил этиш, қарз маблағларига бўлган заруратни ҳисоблаб кўриши, шу билан бирга, ўз балансининг ликвидлигини бошқариб бориши мумкин бўлади. Маҳсулот сотувчи ва олувчи томонлар келишувига кўра тўловлар муддатли, муддатида олдин ҳамда муддати кечиктирилган бўлиши мумкин.

Муддатли тўловлар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- товарлар жўнатиладиган ёки хизматлар бажарилмасдан олдин, бундай тўловлар аванс тўловлари ёки олдиндан тўлов кўринишида амалга оширилади;
- товар жўнатиладиган кейин, яъни товарни бевосита акцепт қилиш йўли билан;

– йирик суммада тузилган шартномаларда кўрсатилган суммаларни бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан амалга оширилади. Муддати узайтирилган тўловлар белгиланган муддатда тўловни амалга оширолмай қолган ҳолларда, тўлов муддатини муайян муддатга чўзиш, яъни янги тўлов муддатини белгилашни билдиради. Муддати узайтирилган тўловлар томонларнинг молиявий аҳволига зарар етказмаган ҳолда шартномавий муносабатлар доирасида бўлиши лозим.

Муддати кечиктирилган тўловлар тўловчи корхонанинг ҳисобварағида ҳужжатда кўрсатилгани суммани тўлаш учун пул маблағлари бўлмаган ҳолатда юзага келади. Агар корхона банкдан кредит олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, ҳужжат корхона ҳисобварағига пул келиб тушгандан сўнггина белгиланган тартибда тўланади.

Юқорида биз корхона ва ташкилотлар ўз пул маблағларини банкдаги ҳисобварақларида сақлашлари лозимлигини таъкидлаган эдик. Банкларда мижозларга бир қатор ҳисобварақлар очилади.

Банкларда мижозларга ҳисобварақлар очилиши мижоз ва банк ўртасидаги шартнома билан мустаҳкамлаб қўйилади. Шартнома мижоз ҳисобварағини юритиш бўйича шартнома деб юритилади. Шартномада депозит шартлари, депозитдан фойдаланиш тартиби, банк томонидан тўланадиган фоизлар миқдори, банк томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизматлари, шу хизматлар учун корхона томонидан тўланадиган тўловлар миқдори, банк мижознинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва бошқалар кўрсатиб корхона раҳбарларининг имзолари ва муҳрлари қўйилади.

Корхонага ҳисобварақ очишда банк томонидан белгиланган миқдорда тўлов ундирилади. Банкларда юридик шахсларга «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварағи билан биргаликда жамғармали ёки муддатли депозит ҳисобварақлари очилади.

Бюджет муассасалари учун жамғармали ва муддатли депозитлар бўйича ҳисобварақлари фақат уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун очилади.

1-жадвал

Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган миждозлар ва улар ҳисобварақларининг сони бўйича маълумот (2013 йил 1 январ ҳолатига)²

Йил	Мижозлар сони	Ҳисобварақлар сони
1997	187 415	206 514
1998	245 481	291 682
1999	270 434	291 034
2000	313 204	301 861
2001	383 090	416 713
2002	441 786	575 496
2003	515 203	751 175
2004	583 889	1 488 270
2005	656 137	2 007 607
2006	732 944	2 561 658
2007	849 819	3 206 841
2008	950 848	3 329 601
2009	1 026 844	3 327 260
2010	1 100 541	3 612 506
2011	1 159 890	3 926 356
2012	1 224 732	4 207 601
2013	1 285 424	4 289 556

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширувчи миждозлар ва очилган ҳисобварақлар миқдорий сони 1997 – 2013 йилгача ўсиш суръатига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Банк депозиторлар миллий ахборотлар базасида 1997 йилда

² www.cbu.uz сайти маълумотлари

мижорзлар сони 187416 та, ҳисобварақлар сони 206514 тани ташкил этган. Қуйидаги жадвалдан кўринадикки йиллар давомида миждозлар ва ҳисобварақлар сони ошиб борди. 2013 йилда миждозлар сони 1286424 тани ва 4289566 тани ташкил этган. Бунда шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги кунларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар миқдори ошиб бормоқда.

Жамғармали ва муддатли депозитлардан юридик шахслар билан бир қаторда жисмоний шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун жисмоний шахс томонидан ҳисобварақ очиш тўғрисидаги ариза, имзо намунаси қўйилган варақча ҳамда ҳисобварақ очишни сўраган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат топширилади. Ҳужжатлар кўриб чиқилиб, тегишли назорат ўтказилгандан сўнг, банк билан миждоз ўртасида банк ҳисобварағини очиш бўйича шартнома имзоланиб, унда шартнома шартлари белгилаб қўйилади. Айтилган шартномада депозитларнинг ҳисобварақ очилаётганда жамғарма ёки муддатли депозит шартлари билан таништирилиши кўзда тутилади.

Нақд пулсиз пул айланиши пулли муносабатлар иштирокчиларининг ҳудудий жойлашувига кўра бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланишига бўлинади. Бир шаҳар ичидаги бир ёки турли банклар хизматидан фойдаланадиган корхона ва ташкилотлар ўртасида юзага келадиган нақдсиз пул айланиши бир шаҳар ичидаги нақд пул айланиши дейилади. Турли шаҳарларда жойлашган банкларнинг хизматидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида юзага келадиган пул айланиши шаҳарлараро нақдсиз пул айланиши дейилади.

Товар операциялари ҳамда нотовар операциялари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг турли шакллари ёрдамида амалга оширилади. Бу шаклларнинг ҳар бири ҳужжатлар айланиши, мазмунини жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эга.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклларда амалга оширилади.

· тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар;

- аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар;
- инкассо билан ҳисоб-китоблар;
- ҳисоб-китоб чеки билан ҳисоб-китоблар.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига кўра хўжаликлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг юқоридаги шакллари асосида қуйидаги ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланиб амалга оширилади:

- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- аккредитивга ариза;
- инкасса топшириқномаси;
- тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеки;
- мемориал ордер;
- шунингдек пластик карточкалар орқали амалга оширилади.

Тўлов топшириқномасига асосан ҳисоб-китоб мижоз топшириғига кўра унинг ҳисоб-китоб рақамидаги маблағи ҳисобидан у ҳохлаган жойга ўтказиб бериш орқали амалга оширилади. Бунинг учун тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма ҳисоб-китоб рақамида мавжуд бўлиши шарт ҳисобланади.

Тўлов талабномасига асосан мижоз корхона бошқа корхоналар билан иқтисодий муносабатга киришиш даврида қарздорлиги мавжуд бўлса, дебитор корхона томонидан талаб қилиб олиш даврида қўлланилади. Уларнинг акцептли ва акцептсиз шакллари мавжуд бўлиб, акцептли шаклида қарздор корхонанинг розилиги сўралгандан кейин ҳисоб-китоб амалга оширилиши мумкин. Акцептсиз шаклига асосан электр - энергия, газ ва бошқа маҳсулотлар етказиб берувчи давлатга тегишли бўлган давлат бюджетига билвосита тушувчи маблағлар ундириб олиниши мумкин. Унда кредитор корхонанинг розилигисиз ҳисоб-китоб амалга оширилиши мумкин. Унга дебитор корхона томонидан дебитолигини тасдиқловчи

хужжатлар – шартнома, ҳукумат қарори ёки бошқа хужжатлар илова қилиниши керак.

Инкассо топшириқномасига асосан бюджетга тўғридан тўғри тушадиган маблағлар, яъни солиқ, божхона божи ва бошқа мажбурий тўловлар ундириб олишда қўлланилади. Бунда кредитор корхонанинг розилиги ҳам кредиторлигини тасдиқловчи хужжат ҳам сўралмайди.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар иккита корхона ўзаро иқтисодий муносабатга киришаётганда бир-бирига ишончсиз ҳолда фаолият кўрсатса, ҳисоб-китобнинг аккредитив шаклидан фойдаланилади. Бунда маҳсулот сотиб олувчининг ҳисоб-китоб рақамидаги маблағи ҳисобидан алоҳида аккредитив счёти очилиб, маблағ ўтказиб қўйилади, лекин бу маблағдан мол етказиб берувчи корхонанинг фойдаланиш имконияти йўқ. Фақатгина маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи хужжат банкка такдим қилингандан кейин аккредитив счётидан маблағ маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказиб берилади. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб аккредитив аризага асосан амалга оширилиб, унга аккредитив шартнома илова қилиниши керак. Ушбу шартнома томонлар ўртасида тузилиб, томонларга хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ҳам тасдиқланиши керак. Чунки аккредитивнинг қопланган ва қопланмаган шакллари мавжуд бўлиб, қопланган шаклида аккредитив счётига маблағ ўтказиб қўйилади, қопланмаган шаклида эса аккредитив счёти очилади, лекин маблағ ўтказилмайди. Бунда мол етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи хужжат банкка такдим қилинган даврида сотиб олувчининг маблағи мавжуд бўлмаса, сотиб олувчининг банки томонидан банкнинг ўз маблағи ҳисобидан тўлов амалга оширилади.

Чек билан ҳисоб-китоблар банк кассасида нақд пул етишмаган ҳолатларда қўлланилиб, мижознинг ҳисоб рақамидаги маблағи ҳисобидан банк томонидан чек бланкаси берилади. Мижоз томонидан ушбу чекни тўлов воситаси сифатида нақд пул ўрнида фойдаланиши мумкин бўлади.

Чеклар тижорат банклари буюртмаси бўйича, уларнинг фаолияти учун етарли бўлган микдорда Марказий банкнинг “Давлат белгиси” ДИЧБ да тайёрланади. Бунда чек серияси ва рақами, банк-эмитентнинг номи ва фирма белгиси типография усулида чоп этилади.

Чеклар фақат товарлар, иш ва хизматлар учун жисмоний шахслар ва юридик шахслар/якка тартибдаги тадбиркорлар уртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилишда қўлланилади.

Чекнинг максимал суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки урнатади, минимал суммасини эса - тижорат банклари мустақил равишда белгилашади.

1.3. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича банк назорати.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимлари иқтисодиётининг бошқа тизимларга нисбатан, кучайтирилган назорат ва текширув объектлари ҳисобланади, чунки тижорат банклари ўз миқдорлари ҳисобланган давлат ташкилотлари, тижорат корхоналари ва хусусий шахсларнинг маънфатларини ҳимоялаш учун жавоб беради. Шу сабабли давлат республика банк тизимининг барқарорлиги, бу барқарорликни ҳуқуқий таъминланиши ва унинг ривожланишида манфаатдордир. Республика иқтисодиётида давлат асосий ислохотчи бўлса, банк тизимида эса бу вазифа республика Марказий банкига юклатилган. «Марказий банк тўғрисида»ги қонунинг 3-моддасида кўрсатилгандек, Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири Республикада тўловларнинг самарали тизимини ташкил қилиш ва таъминлашдан иборат.

Марказий банк тежамкор тўловлар тизимини таъминлаш мақсадида миллий тўловлар тизимини яқин келгусидаги истиқболлари ва ривожланиш стратегиясини белгилайди. Тўловлар тизими соҳасида бош молиявий мақсад, жойларда пул маблағларини хавфсиз ва самарали ўтказишдан иборат. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишдаги тежамкорлик масаласи эса, тўловлар тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир.

Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди. Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши устудан назорат, низомда кўрсатиб ўтилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш принципларининг бажаришини текширишдан бошланади.

Корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари банкдаги депозитлар бўйича ҳисобварақларда сақлангани учун, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барчаси банклардаги ҳисобварақлардан ўтказилади бу эса корхона ва ташкилотларнинг кунлик фаолиятини банк томонидан назорат қилиб туришга шароит яратади. Шу билан бирга ҳужаликлар ва юқори ташкилотлар ўртасида ҳам ўзаро назоратни юзага келтиради. Мулкчилик шакилларининг ҳилма-ҳиллиги, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти, товар-пул муносабатлари, ривожланиш шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоидалари, ҳўжалик оргинлари томонидан ҳисоб-китоб шакилларини эркин танлаш принципларидан келиб чиқади ва улар шартномада мустахкамланади. Ҳўжалик оргинларининг шартнома муносабатларига банк аралашмайди. Ҳўжаликлар ўзаро ҳисоб китобларда низомда кўрсатилган истаган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклидан фойдаланишлари мумкин. Банк эса нақд пулсиз ҳисоб- китоблар бўйича назоратни нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли бўйича, операцияларни амалга ошириш даврида олиб боради. Энг аввало ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилаётганлиги текширилади. Ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширилаётганда асосий эътибор ҳисоб-китоб ҳужжатларининг, товарлигини назорат қилишга қаратилади. Корхоналарнинг давлат тассарруфидан чиқарилаётган бир вақтда давлатга қарашли корхона ва ташкилотлардан бошқа мулкчилик шакилларига тегишли корхона ва ташкилотларга пул ўтказишни кучли назорат қилишни давр тақоза этади шу мақсада, давлат корхоналаридан хусусий корхоналар номига келиб тушган пул маблағлари

аввал, алохида ҳисобварағга ўтказиб турилади, уч кун ичида хусусий корхоналар раҳбарлари томонидан товар жўнатилган хизматлар бажарилгани ҳақидаги ва бошқа керакли ҳужжатлар такдим қилишлари лозим. Ушбу ҳужжатлар банка такдим қилингандан сўнг алохида ҳисобварақдаги пул маблағлари ўтказиши лозим бўлган ҳисобварақга ўтказилади. Агар товар жўнатилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар банкга такдим этилмаса, эгасига қайтарилади. Чунки асосиз ҳисоб-китоб ҳужжатларини такдим қилиш тўлов тизимидаги жиддий қонунбузарчилик ҳисобланади, ҳамда корхона ва ташкилотларнинг мавқеини ва молиявий фаолиятини издан чиқаради. Банк агар корхона ва ташкилотлар томонидан ноқонуний ҳисоб-китоблар расмийлаштирилганлигини аниқласа жарима ундириш ва бошқа чора тадбирлардан ташқари корхонанинг юқори ташкилоти ва ҳуқуқий оргинлари ҳам бу ҳақида хабар қилади.

Банк муассасалари корхона ва ташкилотларнинг ўзаро шартнома ва мажбуриятларни бажариши устудан ҳам қисман бўлсада назорат қиладилар. Лекин банк шартнома шартларининг бузилиш сабаблари ёки келиб чиқиш сабабларини аниқлашга аралашмайди ва таҳлил этмайди. Шартнома шартларининг бажарилиши, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ташкил этилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб–китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлар маъсулиятини ошириш чора тадбирлари» тўғрисида Фармони алохида ўрин тутди. 1995 йил 12 майда чиқарилган ушбу фармонга асосан мулк шаклидан қатъий назар, ҳар қандай корхона ёки ташкилот олинадиган маҳсулот қийматининг албатта 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорини, олдиндан тўлаши керак. Бу жараён ҳам банк назорати орқали ўтади. Бундан ташқари, ҳар қандай корхона учун жунатилган маҳсулот ёки кўрсатган хизматнинг тўлов пули 60 кун ичида банка келиб тушмаса, бу сумма корхонанинг дебиторлик қарзи ҳисобланади. Бундай ҳолга, йул қўйган корхона, ҳамда бош бухгалтерлари

маъмурий, зарур бўлган ҳолларда эса, жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Республикада корхона ва ташкилотлар ўртасида тўлов интизомини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир « Ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги Фармони чиқарилди. Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тўловлари туланиш мажбурийлиги, тўлов топшириқномаларида қатъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби, аванс тўловининг миқдори кўрсатилиши шарт қилиб белгиланади. Бундай фармоннинг чиқарилишига асосий сабаб халқ хўжалигидаги ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларнинг мавжудлигидир. Ўзбекистонда ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг юзага келиши объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, у айрим ҳолларда хўжаликларни банкрот бўлишига олиб келмоқда, ёки корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнининг қисқаришига, ишчи хизматчилар ва иш ҳақининг ўз вақтида берилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Умуман дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг қўпайиши иқтисодиётда ночор ва қолоқ корхоналарнинг сонининг ошишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида бундай корхоналарга хизмат кўрсатувчи банк рейтингини пасайтиради.

Ҳозирги кунда республика иқтисодиётида олдинда турган долизарб муаммолардан бири дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар занжирини ечишдир. Умуман олганда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар устидан банк назоратини тўғри ташкил этиш нафақат банк ўз фаолиятини юритишда, балки бутун халқ хўжалигидаги макроиқтисодий даражадаги кўрсаткичларнинг ҳолатига, уларнинг динамикасига таъсир кўрсатади, иқтисодиётдаги тўлов тизимини яхшилашга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажимда бажариш иқтисодиётнинг турли соҳалари фаолиятининг зарур шартидир. Корхона, ташкилот, банклар ва давлат ўртасидаги ўзаро

хисоб-китоблар муаммоси доимо долзарб, шу билан бирга хал этилиши кийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қоллади. Чунки товар жўнатиш, ёки хизмат кўрсатиш билан унга пулни тўлаш вақти бир-бирига тўғри келмайди. Бу эса дебиторлик ва кредиторлик қарзларини юзага келтириб чиқаради. Бундай қарзлар ўз вақтида ёпилмаса, узайтирилган дебиторлик, ёки ноқонуний қарзлари пайдо бўлади.

Маълумки, ноқонуний кредиторлик, шу билан бирга муддати узайтирилган дебиторлик қарзлари хажмининг ортиши, нотўловлар ҳолатининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса, шу мамлакат иқтисодининг изчиллик билан ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва тўсқинлик қилади.

Кредиторлик қарзлари - бу бирлашма, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан вақтинча жалб қилинган ва мувофиқ равишда юридик ва жисмоний шахсларга қайтарилиши лозим бўлган пул маблағларидир. Мажбуриятлар ва тўлов муддатлари доирасидаги кредиторлик қарзлари қонуний қарзлардир. Хисоб-китоб ва тўлов тартиблари бузулганда, ноқонуний кредиторлик қарзлари вужудга келади. У айланма маблағлари режадан ташқари тақсимланганлигини билдиради. Харидор ва буюртмачиларнинг ўзаро мажбуриятларига нисбатан бефарқлик билан қарашлари ва улар томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаслиги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари вужудга келишининг асосий сабабидир. Корхона балансида муддати ўтган қарздорликларнинг мавжудлиги салбий аломат бўлиб хисобланади, чунки бу ҳолда, корхона балансининг таркиби ёмонлашади. Бунда жалб этилган маблағларга эҳтиёж кучаяди. Муайян бир хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан ўз вақтида хисоб-китобларни амалга оширмасликлари нотўловлар занжирининг пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу нотўловлар занжирига нафақат заиф, молиявий жихатдан лаёқатсиз корхонала , шу билан бирга кучли ва тўловларга лаёқатли, молиявий

жихатдан мустаҳкам бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам боғланиб қолишлари мумкин.

Эхтиёж кам бўлган, омборларда меъёрларидан ортиқ тўпланиб қоладиган, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам, дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқишига олиб келади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг меъёридан ортиқ миқдорида омборларда йиғилиб қолиши, корхона айланма маблағларининг музлаб қолишига, кўзланган фойда миқдорининг камайишига, натижада корхона молиявий ахволининг ёмонлашувига олиб келади. Бу, эса нотўловлар муаммосини келтириб чиқаради. Нотўловлар муаммосини келтириб чиқарувчи кўплаб омилларни келтириши мумкинки, улар қаторига нарх сиёсати, солиқ сиёсати, нормадан ортиқ бўлган инфляция даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга ўзаро қарздорликларни келтирувчи асосий сабаблар қуйидагилар бўлиб хисобланади:

1. Иқтисодиётда тўлов воситаларининг етарли эмаслиги;
2. Хисоб-китоблар учун энг қулай тулов воситалари сифатида ҳозирги кунда амалиётда ишлатилаётганларига қўшимча равишда, мамлакатимизда айрим сабабларга кўра бекор қилинган чек ва векселларни ишлатилмаслиги;
3. Корхона айланма маблағларининг инфляция шароитида маълум миқдорда қадирсизланиши.
4. Мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот доимо харидоргир бўлмаганлиги сабабидан сотишнинг қийинлиги;
5. Маркетингнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
6. Корхоналарни солиққа тортиш механизми камчилликлари мавжудлиги оқибатида айланма маблағларнинг йўқотилиши.

Бу сабабларни давом эттириш мумкин. Лекин асосий масала ўзаро қариздорликларни тўлиқ йўқотиб бўлмайди. Аммо уларнинг умумий суммасини қискартириш мумкин.

Республикамизда Вазирлар маҳкамасининг мажлислари ҳамда республика иқтисодиётини ислох қилиш билан боғлиқ турли йиғилишлари доимо кўриб чиқилади. Шунингдек, иқтисодиётда ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш ва қариздорлик муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. 1996 йил 24 январдаги «Тулов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора - тадбирлари тўғрисида»ги Фармон талабларини бажариш мақсадида, туловларнинг ўз вақтида ўтказилиши ва вакиллик ҳисобварағларининг ахволи устидан доимий назорат ўрнатишни таъминлаш хусусидаги вазифалар белгилаб берилган. Тижорат банкларига бир қатор вазифалар билан биргаликда Марказий банкнинг бош бошқармаларига тижорат банкларнинг жойлардаги ҳар бир бошқармаси бўлинмаларида йил давомида камида 1 марта Давлат солиқ бошқармаси билан келишилган, мувофиқлаштирилган текширувлар режасига мувофиқ дебитор-кредитор қарзлар юзасидан текширувлар ўтказиш топширилган.

Тижорат банклари миқдорлар билан «Банк - ҳисобварағини юритиш бўйича шартнома» тузишда бир қатор ньюансларни эътиборга олишлари лозимлиги белгилаб берилган:

1.Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойнинг 6- кунига ички идоравий ўзаро қаризларнинг суммасини алоҳида қаторда ажратган, барча муддати ўтган кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг юзага келиш санаси ва уларни ундириб олиш юзасидан кўрилатган чора - тадбирларини кўрсатган ҳолда, оператив маълумотларни тақдим этиш.

2.Ҳар чоракда тақдим этилатган баланс билан бирга 2-шакилдаги «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома»ни тақдим этиш тўғрисидаги банд мавжуд бўлиши шарт.

Корхона ва ташкилотлардан оператив, ойлик ва чораклик баланс маълумотларини, муддати ўтган дебиторлик қаризларига солиштириш далолатномаларини талаб қилиниши, маълумотлар тақдим қилинаётган

мижозларга нисбатан қандай чоралар кўрилаётганлигини, олинган маълумотларни таҳлил қилиб ўрганилишларини ўрганиб чиқиш лозим. Тўлов ҳужжатларида яъни тўлов талабнома топшириқномаларида хўжалик субъектлари томиндан юборилаётган маҳсулот ҳақининг олдиндан тўланаётган миқдори тўғрисидаги ёзув мавжудлиги текширилиши керак. Хўжалик оргинларида дебиторлик қарзлари ҳолати бўйича утказилган текшириш далолатномаларининг сифатини кўриш ва текширишда аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича кўрилган чораларни ўрганиб чиқишлари лозим.

Ҳозирги кунда банклар томонидан нотўловларни қисқартириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари филиаллари томонидан 2-картотекадаги тўлов ҳужжатлари мунтазам равишда инвентаризация қилиниб борилади ва унинг натижасида нотўғри кўйилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари аниқланиб, мижозларга қайтарилмоқда.

Ҳисоб-китоб механизмининг такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2000 йил 13 январдаги «Қорхона ташкилотларнинг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида»ги баённомаси талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатилаётган мижозлар билан ҳамкорликда мақсадли тўлов схемалари ишлаб чиқилди ва шу схемалар асосида бир кунлик кредитлар ажратилади ҳамда факторинг хизматлари кўрсатилади. Схема асосида кредитлар бериш 23202-сонли махсус ҳисобрақам орқали амалга оширилади.

Сотувчи ва харидор ўртасида узоқ муддатли шартномаларнинг ва алоқаларнинг мавжуд бўлганлигига қарамай, сотувчи ўз навбатида харидорнинг тўлов қобилияти, молиявий натижалари ва умумий ахволи ҳақида мунтазам равишда маълумотга эга бўлишга интилиши лозим. Сотувчи ўз навбатида харидор билан узоқ муддатли ҳамкорликка тайёрлиги ва харидорнинг муваффақиятли ривожланиши тарофдорлигини

билдириб туриш мақсадга мувофиқдир. Шунда харидор ҳам сотувчига нисбатан дўстона муносабатда бўлади ва сотиб олинган товарлар учун тўловларни кечиктириш мумкин бўлган сабабларни сотувчидан яширмайди. Муддати ўтган қарздорликни вужудга келишини олдини олишнинг энг мақбул ва замонавий усулларида биридир, бу сотувчи ва харидорнинг қарздорликни бартараф этишни амалга оширадilar.

Хўжалик фаолиятида учрайдиган хама ҳолатларни ҳисобга олиш кийин. Шунинг учун ҳам қуйида санаб ўтилган муддати ўтган қарздорликни вужудга келишининг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари тадбиркорларга мавжуд муаммони ҳал этишда ўз иш стратегиясини ишлаб чиқишда қўл келади. Чунки капиталнинг айланиш тезлигини ошириш ва харидорларнинг қарздорлигини камайтириш тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу муаммони атрофлича ва систематик равишда кўриб чиқиш мақсадида, хўжалик фаолиятида учрайдиган барча ҳолатларнинг ката блокларига бўлиш мумкин:

1. Сотувчи ва харидор орасида узоқ муддатли муносабатларга асосланган хўжалик алоқалари (хом – ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмларини етказиб бериш);

2 . Хом- ашё материаллар, бутловчи қисмлар ўтказиб бериш, ва бажарилган хизматларни бажариш учун жисмоний шахслар билан тузилган якка шартномалар;

3. Етказиб берилаётган асбоб- ускуналар, транспорт воситалари, ҳисоблаш ва бошқа техникани харидорлар асосий фондлар сифатида ишлатиш ҳоллари.

Тўлов амалга оширилишини кафолатловчи қуйидаги ҳужжат шакллари мавжуд: машҳур, улкан ва ишончли ташкилотларнинг тўлов амалга оширилишини кафолатловчи хатлар; гаров; кафиллик.

Ҳозирги кунда нотўловлар, энг долзарб муаммолардан бири булиб, бу муаммони бартараф этишнинг ягона йўли йўқ. Нотўловлар, яъни

дебиторлик ва кредиторликни қарздорликнинг умуман йўқ қилиш мумкин бўлмай, уларни камайтириш бўйича ҳар бир ҳолатда алоҳида йўлни танлаш нафақат алоҳида хўжаликлар, балки бутун иқтисодиёт учун фойдалидир.

II БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш.

Тўловчи ва маблағ олувчи томонлар орасидаги ҳисоб - китоб қилиш учун танланган шакл ҳўжалик шартномаси асосида белгиланади. Ҳисоб - китоб шакллари бу ҳукукий меъёрларда кўзда тутилган, ҳисоб - китоб ҳужжатининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварақига ўтказиш ва ёзиш усули бир-биридан фарқ қилувчи ҳисоб - китоб турларидир.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоб ҳужжатларининг ҳар бири белгиланган тартибда расмийлаштирилгандагина банк томонидан ижро учун қабул қилинади. Ҳар бир ҳужжат шакли талабларга жавоб берадиган ҳолда расмийлаштирилиб, унда қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт:

- ҳисоб-китоб ҳужжатининг номи;
- ҳужжатнинг номери ва расмийлаштирилган сана;
- тўловчи корхонанинг номи, банкдаги ҳисобварақ номери, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва банк коди;
- пул олувчи корхона ёки ташкилот номи, унинг банкдаги ҳисобварақ номери, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва банк коди;
- тўлов суммаси;
- тўлов мақсади.

Ҳужжатлар корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва корхона муҳри туширилган бўлиши шарт. Ҳужжатлар банк томонидан банк операция куни давомида ижро учун қабул қилинади ва шу куни балансдан ўтказилади.

Нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг алоҳида шакллари қуйида кўриб чиқамиз.

Тўлов топшириқномаси бу – тўловчи корхонанинг унинг банкдаги ҳисобварақидан пул маблағларининг маълум бир суммасини бошқа

мижознинг ҳисобварағига ўтказиш ҳақида ўзига хизмат кўрсатувчи банкга берган ёзма топшириғидир. Тўлов топшириқномаси 0505411002 шаклдаги стандарт бланкада тўловчи томонидан расмийлаштирилиб, банкга топширилади. Тўлов топшириқномалари орқали қуйидаги тўловлар амалга оширилади:

- товарлар ва хизматлар учун ҳисоб - китоблар;
- нотовар операциялар бўйича ҳисоб - китоблар;
- марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, банк ссудалар унга қўшилган фоизларни қоплаш учун маблағ ўтказиш;
- ҳукумат қарорлари ва банк қоидаларида белгиланган ҳоллардаги банк тўловлари.

Тўлов топшириқномаларининг банкка топширадиган нусхалар сони тўловчи ва маблағ олувчиларнинг қайси банкда жойлашганлигига боғлиқ.

Тўлов топшириғида қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши лозим:

- а) тўлов топшириғининг номи ва номери;
- б) тўлов топшириғи тўлдирилган сана, яъни кун, ой ва йил;
- в) тўловчининг номи, тўловчи банкининг номи ва коди;
- г) тўловчининг ҳисобварақ номери ва идентификация коди;
- д) маблағларни олувчи корхона номи, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва код;
- ж) маблағ олувчининг ҳисобварақ номери;
- з) тўловларнинг суммаси рақам ва ёзувларда кўрсатилади;
- и) тўловнинг мақсади.

Тўлов топшириғининг барча реквизитлари тўлдирилгандан сўнг, топшириқноманинг алоҳида ажратилган пастки қисмига тўловчи корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр изи қўйилади. Ушбу муҳр ва имзолар тўлов топшириғининг фақат биринчи асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан ҳужжатлар қабул қилиш, шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг мижоз билан

ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда операцион кун давомида банк томонидан корхоналардан олинган ҳужжатлар шу куннинг ўзида ижро қилинади. Агар тўлов топшириғи тўлиқ расмийлаштирилиб, уни тўлашга етарли пул маблағлари бўлса, масъул ижрочи топшириқномадаги барча маълумотларни дастурий йўл билан компьютер орқали банкнинг электрон тўловларини амалга оширувчи ҳисоблаш марказига ўтказди. Эртаси куни эрталабдан кечикмаган муддатда банк баланси чиқарилгандан кейин ҳужжатнинг биринчи нусхаси банкнинг кундалик йиғма жилдига тикилади ва белгиланган тартибда аввал жорий архивда, бир йил ўтгандан сўнг умумий банк архивига топширилади. Тўлов топшириқномасининг ик-кинчи нусхаси эса миждонинг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда операциялар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида миждозга берилади.

Шундай қилиб, тижорат банкининг ҳисоблаш марказидан дастурий йўл орқали модем усули билан электрон тўлов ўтказилади, яъни электрон тўлов тизими орқали электрон тўлов топшириғи Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб касса марказига, ўтказилади. Марказий банк қошида очилган ҳисоб-китоб касса маркази тўловчи корхонага хизмат қилувчи тижорат банкдан олинган маълумотлар асосида электрон тўлов топшириғини модем орқали маблағ олувчи корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ўтказди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида бири тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар бўлиб, улар 90-йилларнинг ўрталаригача қарийб 45% ини ташкил этар эди.

Тўлов талабномаси бу – маҳсулот етказиб берувчи ва маблағ олувчиларнинг белгиланган суммани тўловчи банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабномани ўз ичига олган ҳисоб-китоб шаклидир. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб –китоблар "Акцепт" шаклидаги ҳисоб-китоблар ҳам деб юритилади. "Акцепт" сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, розилик маъносини англатади, яъни бу тўловчининг тўловни амалга ошириш учун

банкка берган розилигидир. Акцепт шакли асосий инкасса ҳисоб-китоб шакли ҳисобланади. "Инкассо" атамаси итальян тилидан олинган бўлиб, банк ўз мижози тақдим этган ҳужжатга асосан етказиб берилган маҳсулот учун унда кўрсатилган суммани тўловчидан унинг банки орқали олиб бериш бўйича мажбурият ҳисобланади. Розилик билдириш усулига кўра акцепт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Тўловчи корхонанинг розилиги ҳам, норозилиги ҳам ёзма равишда билдирилиши ижобий акцепт ҳисобланади. Салбий акцепт эса сукут сақлаш орқали билдирилади. Агар тўловга норозилик хати ёзма равишда келиб тушмаса, банк томонидан тўлов амалга оширилади.

Тўлов талабномалари қуйидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

- а) юклаб жўнатилган товарлар учун;
- б) бажарилган ишлар учун;
- в) кўрсатилган хизматлар учун;
- г) амалдаги қонунчиликда, меъёрий ҳужжатда ёки шартномада кўзда тутилган бошқа тўловлар учун.

Тўлов талабномасида маҳсулот етказиб берувчи томонидан талабнома номери, жўнатилган сана, шу корхона номи, унинг ҳисобварақ номери, хизмат кўрсатувчи банк номи, банкнинг коди, тўловчи корхонанинг номи, унинг банкидаги ҳисобварақ номери, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, тўлов суммаси ва тўлов мақсади кўрсатилади. Ҳужжатларда кўрсатилиши лозим бўлган умумий реквизитлардан ташқари тўлов талабномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- а) шартнома санаси ва номери;
- б) маҳсулотларни юклаб жўнатиш санаси ва товартранспорт ёки қабул қилиш топшириқ ҳужжатлари ва транспорт турининг, товарлар почта ва телекоммуникация агентлиги орқали жўнатилганда эса, почта квитанцияларининг номери.

Агар маҳсулот, уни сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилса, талабноманинг алоҳида ажратилган жойида юк уни сотиб олувчининг ўз транспорти билан олиб чиқиб кетилгани ҳамда ишончноманинг номери кўрсатилади. "Шундай ҳоллар ҳам бўладики, маҳсулот контракция шартномалари асосида реализация қилинади. Контракция шартномалари бўйича маҳсулот етказиб беришда тўлов талабномасининг юқори қисмида "Контракция шартномаси" деб кўрсатилиши лозим. Тўлов талабномасининг пастки, алоҳида ажратилган қисмида маҳсулот жўнатувчи корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари ва корхонанинг муҳр изи қўйилади.

Тўлов талабномалари 2 ёки 3 нусхада тўлдирилади. Агар маҳсулот етказиб берувчи ва тўловчи томонларга битта банк бўлими хизмат кўрсатса талабнома 3 нусхада тақдим этилади.

Агар 1-картотекага жойлаштирилган тўлов талабномаси бўйича тўловчи томонидан раддия аризаси келиб тушмаса, тўлов талабномаси акцептлаш учун берилган муҳлат ўтгандан сўнг тўланади.

Тўлов талабномасини тўлашдан аввал тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағи юритувчи масъул ижрочи талабномани тўлаш учун етарли пул маблағларининг тўловчи ҳисобварағида мавжудлигини текширади. Агар депозит ҳисобварағида етарли пул маблағлари бўлса, талабнома тўланади.

Баланс ичидаги ҳисобварақлар бўйича бажарилган бухгалтерия ёзувлари билан бир қаторда балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлар бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари бажарилади, 1-картотекадаги тўлов талабномасининг ўзи картотекадан олинади ва ҳисобдан чиқарилади.

Тўланган талабнома электрон тўловлар тизими ёрдамида Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб касса маркази орқали маҳсулот сотувчи корхона банкига ўтказилади. Талабноманинг ушбу нусхаси банкнинг

кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Лекин ҳар доим ҳам тўловчи корхонанинг ҳисобварағида тўлов талабномасини тўлашга етарли пул маблағлари бўлмаслиги мумкин. Тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаганда талабномалар 2-картотекада тўловни кутаётган ҳужжатлар қаторига жойлаштирилади. Бу ҳақда маҳсулот етказиб берувчи банкка хабар берилади. Тўлов талабномаси 2-картотекада тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига талабномани тўлашга етарли пул маблағлар келиб тушгунча сақланади. Пул келиб тушгандан сўнг, келиб тушган маблағлар доирасида меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартибда тўлов амалга оширилади.

Тўловчи корхона банкида тўланган тўлов талабномаси "Электрон почта электрон тизими орқали Марказий банк қошидаги ҳисоб марказига узатилади. Ҳисоб марказида тўловчи корхона банкнинг корреспонденция ҳисобварағидан тўлов талабномасида кўрсатилган пул суммаси маҳсулот етказиб берувчи банкнинг корреспонденция ҳисобварағига ўтказилади. Электрон тўлов тизими орқали олинган электрон талабномалар маблағларни оловчи банкда икки нусхада қоғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қўйилиб, кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади. Талабноманинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қўйилган ҳолда маҳсулот етказиб берган корхонанинг депозит ҳисобварағига илова сифатида қўшиб берилади. Шу билан бирга, бу корхонага ҳисобварақдан кўчирма ҳам берилади. Маҳсулот етказиб берувчига тегишли банкда тўловчи банкдан келиб тушган тўлов суммаси маблағ оловчининг ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли тўлов айланмасида жуда кичик улушни ташкил этади. Жўнатилган товарлар ва кўрсатилган

хизматлар учун тўловни кафолатлаш олдида аккредитив шаклдан фойдаланилади. Аккредитив миқдорнинг топилишига кўра шартнома бўйича унинг контрагенти фойдасига берилаётган банкнинг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк маҳсулот етказиб берувчи тўловни бажариши ёки бошқа банклар томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилганда ва аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилганда, уларга тўловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин.

Аккредитивлар очилганда, аккредитив очган банк тўловчининг шахсий маблағидан ёки унга берилган кредит ҳисобидан мол етказиб берувчининг банки тасарруфидан алоҳида "Аккредитивлар", баланс ҳисобварағи ва маблағларни етказиб берса, бундай аккредитивлар қопланган аккредитивлар дейилади. Аккредитив очган банк халқаро қабул қилинган андозалар асосида банк-эмитент деб юритилади.

Аккредитивларнинг иккинчи тури қопланмаган аккредитив бўлиб, банк ва бошқа корхоналар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарилган ҳужжаликларга бунда аккредитивлардан фойдаланишга рухсат этилади. Қопланмаган аккредитивнинг қопланган аккредитивдан фарқи шундан иборатки, бунда тўловчи корхонанинг пул маблағлари алоҳида ҳисобвараққа ўтказиб қўйилишини талаб қилади. Банк тўловчи ҳисобварағида тўлов ҳужжатлари келиб тушганда пул бўлмаган тақдирда банк маблағлари ҳисобидан тўлаб беришни кафолатлайди. Аккредитивнинг бу турининг қулайлиги шундан иборатки, мол сотиб олувчининг пул маблағлари айланмада тарқалиб кетмайди, иккинчи томондан мол жўнатувчи корхона учун ҳам тўлов кафолатланган фақат бўш маблағларга ҳисобидан тўлов амалга оширилганда шартномада келишилган миқдорда ҳақ тўланади.

Бир вақтнинг ўзида аккредитив суммаси аккредитивларни ҳисобга олувчи кўзда тутилмаган ҳоллар ҳисобварағига киритилади. Тўлов ўтказилгандан сўнг аризанинг иккинчи нусхаси банк масъул

ижрочисининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳри, амалга оширилган сана ҳамда қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда тўловчига кўчирма билан биргаликда берилади.

Аккредитив фақат бир таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Аккредитивнинг муддати ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби томонлар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Аккредитив сана учун харидор ўз банкига банк эмитентга 2 нусхада тақдим этади. Аризада аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредитивни бажарадиган банкнинг номи ҳамда тўлов ҳужжатларида кўрсатиладиган барча реквизитлар кўрсатилади.

Банкда ушбу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи аккредитив очиш ҳақидаги аризани олиб, унинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги барча керакли реквизитларнинг тўғрилигини текширади. Қабул қилинган аккредитив очиш ҳақидаги аризанинг биринчи нусхасига ўз имзосини, банкнинг тўртбурчак муҳр изини, аризани қабул қилиш санаси ва тўлов ўтказиш санаси қўяди. Аризанинг биринчи нусхасида кўрсатилган барча реквизитлар компю-терга киритиб, электрон тўловлар тизими Марказий банкнинг ҳисоблаш Маркази орқали маҳсулот жўнатувчи корхона муҳр изи қўйилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади

Маҳсулот етказиб берувчи аккредитив бўйича келиб тушган маблағларни ўзининг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка юклаб жўнатиш ва аккредитив шартларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Аккредитив бўйича тўловларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар аккредитив муддати келгунга қадар маҳсулот етказиб бурувчи томонидан банкка тақдим этилиши ва аккредитивнинг барча шартларини бажарилганини тасдиқлаши шарт. Аккредитив бўйича тўловларда маҳсулот етказиб берувчининг банки маҳсулот етказиб, берувчи томонидан аккредитивнинг

барча шартларига риоя қилинганини ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширилиши лозим. Ушбу шартларнинг бирортаси бузилганда ёки бажарилмаганда банк аккредитивлар бўйича тўловларни ўтказиши мумкин эмас. Бир томони-дан маҳсулот етказиб берувчининг аккре-дитивлар бўйича ҳисобварағидаги маблағларни унинг талаб қилин-гунча сақланадиган депозит ҳисобварағига мемориал ордер орқали ўтказилади. Мемориал ордер масъул ижрочи томонидан 4 нусхада тўлдирилиб, унда тўлов бўйича шартнома номери, санаси, тўловнинг мазмуни ҳисобварақлар номери кўрсатилади. Мемориал ордернинг алоҳида нусхалар қуйидагича ишлатилади:

- мемориал ордернинг биринчи нусхаси бухгалтернинг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилиб тасдиқловчи ҳужжатнинг бир нусхаси билан биргаликда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- мемореал ордернинг иккинчи, учтаси нусхалари масъул иж-рочининг имзоси ва тўртбурчак муҳрининг изи қўйилиб, тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда банк эмитентга жўнатилади;

- мемореал ордернинг тўртинчи нусхаси масъул ижрочининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳр изи қўйилиб маҳсулот етказиб берувчи корхона ҳисобварағига илова сифатида берилади.

Шундай қилиб, аккредитив маҳсулот етказиб берувчи корхонага бошқа хизмат қилувчи банкда қуйидагича ёпилади:

- а) аккредитив муддати тугагандан кейин бажарувчи банк аккредитив ёпилганлиги тўғрисида эмитент банкка хабар беради;

- б) маҳсулот етказиб берувчининг муддатдан олдин аккредитивни ишлатишдан воз кечиш тўғрисидаги аризага кўра, маҳсулот етказиб берувчининг кейинги аккредитивдан фойдаланишдан воз кечганлик тўғрисидаги аризасига асосан, банк-эмитентга кўчирилганлиги тўғрисидаги билдиришнома юборилади.

в) сотиб олувчининг аккредит қисман ёки тўла чакириб олиш тўғрисидаги аризасига кўра, агар аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитивлар эмитенти банкдан хабар етиб келган куни 22602 "Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлар ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар доирасида тўлиқ ёки қисман қопланади.

Инкассо топшириқномаси – ушбу топшириқномани берган банкка мижознинг банк-эмитентга тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағ чиқариш тўғрисидаги талабидир. Инкассо топшириқлари қуйидаги ҳолларда тақдим этилади:

- биринчидан, ўз вақтида тўланмаган солиқларни ундириш учун;
- иккинчидан, давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлардан ташқари тўловлар, жумладан, пенялар, жарималарни ундириб олиш тўғрисидаги солиқ органларининг фармойишига кўра;
- учинчидан, бюджетдан ташқари фондлардан тўловларни ундириб олишда агар бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса;
- тўртинчидан, божхона органларнинг ишининг қарорига кўра ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундириш учун.

Булардан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тақдим ҳужжатлар, шунингдек, хўжалик судининг шифо варақалари ва ўша тенглаштирилган ҳужжатлари учун инкассо топшириқларини расмийлаштириб, банкка топшириш учун асос бўла олади. Ижро ҳужжатларга хўжалик судининг буйруқлари, судлар томонидан берилган ижро варақалари ҳамда нотариуслар томонидан бузилган устхатларни киритиш мумкин.

Ҳисобланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади, ҳисоб-китоб чеки 2 қисмдан иборат:

- биринчи қисми ҳисоб-китоб чеки;
- иккинчи қисми чек корешоги.

Чекнинг корешок қисми чекнинг биринчи қисмида кўрсатилган суммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига

олади. Банк ходими чекини беришда қуйидаги реквизитларни тўлдириб бериши лозим: чек берилган сана:

- чек бўйича тўланиши лозим бўлган суммани рақамлар ва сўз билан;
- ҳисоб-китоб чекига номи ёзиб берилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми,
- унинг паспортининг серияси ва номери;
- чек берувчининг депозит ҳисобварағи номери;
- чек берган банкнинг бўлимининг номи ва коди;
- чекнинг амал қилиш муддати.

Шунингдек, банк ички ҳисоб-китобларда кенг фойдаланиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларидан бири мемориал ордер ҳисобланади. Мемориал ордер банк ўзи тўловчи ёки мижозларнинг ўзи бевосита иштирок этиши талаб этилмайдиган ҳолларда фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўлов мақсадидан келиб чиқиб банк, мижозлар мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишлари мумкин.

2.2. Банклараро тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги миллий валюта (сўм)да электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими қўйидаги норматив-ҳукукий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни (21.12.1995 й., № 154-I)

Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (25.04.1996 й., № 216-I)

Ўзбекистон Республикаси “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни (16.12.2005 й., № ЎРҚ-13)

“Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом (14.02.2006 й., № 1545)

“Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом (15.04.2002 й., № 1122)

Банклараро тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шахсий мулки ҳисобланади.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази ва Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади. Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (кейинги ўринларда — МБ ҲҚМ) — бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг бош офисларига вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази (кейинги ўринларда — АБМ) — амалдаги қонунчилик ҳамда АБМ ва банклар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банклараро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ҲҚМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон

тўловлар ўтказиш учун эса — АБМ билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ҲҚМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса.

Соат 9-00 дан 16-00 гача — банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатлар (кейинги ўринларда — ЭТХ)ни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида МБ ҲҚМга ЭТХларни узатишлари мумкин.

Банклараро тўлов тизимида қуйида келтирилган электрон тўлов ҳужжатлари қўлланилади.

2-жадвал

Операциялар тури кодлари³

Т/р	Ҳужжатларнинг номи	Операциялар тури
1.	Тўлов топшириқномаси	01
2.	Тўлов талабномаси	02
3.	Аккредитив учун ариза	05
4.	Мемориал ордер	06
5.	Инкассо топшириқномаси	11
6.	Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки	14

2) Жўнатишга мўлжалланган ЭТХ назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича МБ ҲҚМга бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш

³ Муаллиф томонидан тузилди

бўйича ЭТХларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса — тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган ЭТХларни қайта ишланилиши яқунланади.

Соат 17-00 дан АБМ банкларга куннинг яқунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган ЭТХлар тўғрисида (ташаббускор банк ва бенефициар банк бўйича) хабарнома жўнатади.

Шундан кейин АБМда “Куннинг яқунланиши” босқичи амалга оширилади. МБ ХҚМда қуйидагилар “Куннинг яқунланиши” босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

банклардан ЭТХни қабул қилиш вақтининг тугаши;

МБ ХҚМга узатилган барча ЭТХ қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда “Куннинг яқунланиши” босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТХларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолғунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади.

Банк филиаллари ўзининг мижозлари ўртасидаги барча тўловларни банк хизматини кўрсатиш учун тузган шартномасига мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.


Банкнинг масъул ходими пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини олишда барча мажбурий реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши бўйича визуал текшириш ўтказди.

Электрон тўлов ҳужжатларида банклар ва уларнинг филиаллари вакиллик ҳисобварақлари рақамини, шунингдек, МБ ҲҚМ кодини қўйиш тақиқланади.

Банклар банк қонунчилик ҳужжатлари, ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилмаган ҳолларда, Марказий банк дебет мемориал ордерларни шакллантириш йўли билан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Кирилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжати асосида банкнинг филиалида дастурий равишда электрон тўлов ҳужжат шакллантирилади, у ички назоратдан ўтади, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, шифрланади ва банкнинг тўлов (ҳисоб-китоб) марказига узатилади.

Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.




1-расм. 2012 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялари сони⁴

⁴ www.cbu.uz сайти маълумотлари

Ушбу расмдан кўриниб турибдики 2012 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялари сони 48671422 тани ташкил қилган бўлса энг катта улушга тўлов топшириқномаси 52,4 фоиз улушга, кредит мемориал ордер 40,8 фоиз улушга, инкассо топшириқномаси 5,4 фоиз улушга, тўлов талабномаси 1,3 фоиз улушга ва бошқа тўлов хужжатлари 0,1 фоиз улушга эга.

2012 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси



2-расм. 2012 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялари суммаси⁵

2012 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялари суммасига эътибор берсак тизим бўйича жами 744195 млрд. сўм маблағ ўтказилган бўлсада асосий сумма 50,7 фоиз тўлов топшириқномасига ва 48 фоиз кредит мемориал ордерга тўғри келмоқда.

⁵ www.cbu.uz сайти маълумотлари

3-жадвал ва 4-жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки Марказий банк электрон тизимида фойдаланилаётган электрон тўлов ҳужжатлари таркибида тўлов топшириқномаси ва кредит мемориал ордер асосий ўринни эгаллайди.

3-жадвал

Марказий банк банклараро тўлов тимида тўлов ҳужжатларидан фойдаланиш (транзакциялар сони)⁶

Йил	Дебет мемориал ордерлар	Ҳисоб-китоб чеклари	Кредит мемориал ордерлар	Тўлов топшириқ-номалари	Тўлов талаб-номалари	Аккредитивга аризалар	Инкассо топшириқ-номалари	Жами
2003	2 226	1 319 015	4 861 557	9 891 580	624 317	475	957 655	17 656 825
2004	3 538	514 256	6 107 587	12 952 389	713 674	587	1 437 042	21 729 073
2005	4 181	44 578	6 948 765	14 611 935	710 501	656	1 411 432	23 732 048
2006	6 446	10 581	7 600 728	15 534 626	773 168	853	1 288 816	25 215 218
2007	11 468	11 669	8 502 745	16 482 372	817 496	1 082	1 390 398	27 217 230
2008	2 020	10 359	9 046 691	18 486 463	804 872	1 083	1 267 949	29 619 437
2009	477	108 059	10 825 179	18 779 502	740 351	1 497	1 164 328	31 619 393
2010	491	173 946	12 787 592	20 584 900	690 003	3 092	1 246 508	35 486 532
2011	398	36 300	17 080 780	24 468 429	678 846	2 936	1 883 384	44 151 073
2012	652	47 579	19 866 464	25 482 113	637 269	1 565	2 635 780	48 671 422

4-жадвал

Марказий банк банклараро тўлов тимида тўлов ҳужжатларидан фойдаланиш (транзакциялар суммаси, млн.сўм)⁷

Йил	Дебет мемориал ордерлар	Ҳисоб-китоб чеклари	Кредит мемориал ордерлар	Тўлов топшириқ-номалари	Тўлов талаб-номалари	Аккредитивга аризалар	Инкассо топшириқ-номалари	Жами
2003	520 134.3	13 655.5	12 304 275.4	14 783 256.1	240 268.8	5 273.3	286 240.1	28 153 103.5
2004	264 394.4	6 985.3	14 760 216.0	20 942 476.3	302 424.2	38 546.5	415 202.5	36 730 245.2
2005	175 181.0	1 140.6	20 951 778.8	26 891 305.7	341 384.6	9 383.7	465 989.9	48 836 164.3
2006	648 865.1	458.7	32 944 457.8	36 806 406.2	522 314.9	26 073.6	656 460.1	70 605 026.3
2007	1 264 309.6	452.5	42 801 152.4	48 633 104.9	367 995.8	30 687.4	765 441.9	93 863 144.4
2008	1 760 112.7	545.1	57 345 315.4	65 888 334.2	471 593.4	29 677.8	775 826.5	126 271 405.1
2009	6 739 806.9	5 291.1	126 771 274.6	155 332 188.1	555 133.2	35 458.0	1 078 226.7	290 517 378.6
2010	6 422 552.2	8 064.8	179 589 290.2	223 084 404.2	386 751.8	58 548.7	1 338 030.8	410 887 642.6
2011	6 584 544.1	1 889.4	310 208 562.5	369 684 652.0	812 052.9	82 717.5	1 598 384.7	688 972 803.1
2012	6 140 420.0	1 823.3	357 441 426.5	377 787 010.7	559 870.3	81 977.4	2 182 711.9	744 195 240.1

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизимида тўлов ҳужжатларидан 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ва суммаси ўзгаришини кўйидагича:

⁶ www.cbu.uz сайти маълумотлари

⁷ www.cbu.uz сайти маълумотлари

- Дебит мемориал ордерлар – бу ҳужжатдан фойдаланиш 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ўзгариб турибди, транзакциялар сумма жиҳатидан ошиб борган.

- Ҳисоб-китоб чеклари – бу ҳужжатдан фойдаланиш 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ва суммаси камайиб борган, бунда ҳисоб-китоб чеклардан самарали фойдаланилмаётганлигини кўриш мумкин.

- Кредит мемориал ордер - бу ҳужжатдан фойдаланиш 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ва суммаси миқдори ошган.

- Тўлов топшириқномалари - бу ҳужжатдан фойдаланиш 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ва суммаси миқдори ошган.

- Тўлов талабномаси - бу ҳужжатдан фойдаланиш 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ўзгариш бўлган ва транзакция суммаси миқдори ошган.

- Аккредитивга аризалар - бу ҳужжатдан фойдаланиш 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ва суммаси миқдори ошган.

- Инкассо топшириқномалари - бу ҳужжатдан фойдаланиш 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ва суммаси миқдори ошган.

- Жами ҳужжатлардан фойдаланиш 2003-2012 йилларда транзакциялар сони ва суммаси миқдори ошган.

Фойдаланилаётган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг деярли барчаси 2012 йилга нисбатан ошиб борган. Инкассо топшириқномаларнинг кўп қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектлар тўловларни ўз вақтида тўламаганлидан далолат беради. Бунда аккредитивлар бўйича ҳисоб-китобларни кўпайтирса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2.3. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш механизми.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар Марказий банк орқали ўтказилади. Бунинг учун Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб маркази ташкил этилган.

Тижорат банклари ўзларининг банклараро муносабатларини олиб бориш учун ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисоб-варағини очишлари лозим.

Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи икки хил йўл билан очилиши мумкин.

- Ҳудудий бошқарма тижорат банкларининг барча бўлимлари учун марказий банк ҳудудий бош бошқармасида минтақа бўйича ягона вакиллик ҳисобварағи очади. Ҳар бир бўлимга эса алоҳида субҳисобварақалари очилади;

- Тижорат банкининг ҳар бир бўлими учун алоҳида Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармасида вакиллик варағи очилади.

Вакиллик ҳисоб варағи очилаётганда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси ўртасида вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома тузилади.

Тўловни амалга ошириш учун асосий мезон операцион куннинг бошида ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақаларидаги оборотларнинг ва қолдиқ маблағларининг бир-бирига мос келиши ҳисобланади. Тўловнинг энг катта суммаси чекланмаган.

Ҳар куни эрталаб ҳисоб маркази тамонидан берилган тижорат банки ҳисобварағидан кўчирмаси тижорат банки томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу ҳисобварақ бўйича янги кун операциялари бошланади.

Ҳозирги кунда бу марказлар электрон тўловлар тизими асосида банклараро ҳисоб - китобларни олиб бормоқдалар.

Банклараро тўлов тизимига уланишнинг учта варианты мавжуд:

- 1) банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини уланиши;
- 2) филиалга эга бўлмаган банкларни уланиши (бунда электрон тўловлар банкнинг амалиёт бошқармаси орқали амалга оширилади);
- 3) банк филиалини уланиши.


Филиални банклараро тўлов тизимида тўғри ишлаши бўйича жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

Ушбу тўловларни амалга оширишда банклар турли хил банк дастурларидан фойдаланилади.

Тўловларни ўтказиш технологиялари

а) Бир банкнинг мижозлари бўлган субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияси

Бир банкнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар шу банкнинг ўзида ўтказилади. Бу ҳолда банклараро ҳисоб-китоблар вужудга келмайди. Буни қуйидаги схема орқали яққолроқ кўриш мумкин.



3-расм. Бир банкнинг мижозлари бўлган субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияси⁸

Банк топшириқномага асосан Ушбу чизмага қуйидагича изоҳ берамиз. Тўловчи ва олувчи ўртасида шартнома имзолангандан сўнг, тўловчи ўз банкига топшириқнома топширади.

тўловчининг ҳисобварағидан пулни ўтказди ва бу ҳақда сотувчи ва тўловчига шахсий ҳисобварақдан кўчирма беради.

Энди бир банк тизимидаги филиаллараро ҳисоб-китобларни кўриб чиқамиз.

б) Бир банка тегишли филиаллар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар

Бир банк филиаллари ўртасида ҳисоб-китоблар дебет хужжатлари бўйича алоҳида, кредит хужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия проводкалари ёрдамида бажарилади. Пул маблағларини ўтказиш аввало

⁸ Муаллиф томонидан тузилди

тўловчи банк филиалида амалга оширилади. Бунда тўловчи корхона ҳисобварағидан маблағлар ҳисоб-китоб ҳужжатида кўрсатилган суммага камайтирилади. Ушбу банкдан пул маблағлари чиқиб кетаётганлиги сабабли банк филиалининг банклараро ҳисоб-китоблар ҳисобварағи ҳам камайтирилади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия проводка ёрдамида ифодаланади.

Дебет тўловчи мижознинг ҳисобварағи

Кредит 16103 Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган ҳисобварақлар.

Бош банк ахборотни қабул қилиши билан дастурий йўл билан филиаллар ўртасида маблағларни ўтказиш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажаради, яъни бир банк филиалининг вакиллик ҳисобварағидан иккинчи банк филиалининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия проводкаси орқали бажарилади.

Дебет 22204 «А» филиали

Кредит 22204 «Б» филиали


Бу проводка иницатор банк ҳисобварағидаги пул маблағлар бенифицирор банкнинг ҳисобварағига ўтказилганини билдиради.

Бенифицирор банк Бош банкдан ўзига тегишли бўлган пул маблағларини қабул қилганда дастурий йўл билан қуйидаги бухгалтерия проводкасини бажаради.

Дебет 16103 «Банклараро ҳисоб-китоблар» бўйича олинadиган ҳисобварақлар

Кредит 20200 Талаб қилингунга қадар сақланадиган депозит ҳисобварақлар

Юқоридагиларни қуйидаги схема орқали яққолроқ кўриш мумкин.





4-расм. Бир банкнинг турли филиаллар мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ўтиш технологияси⁹

Тўловларни ўтказиш ва қайта ишлаш автоматик тарзда бажарилади. Бош банк филиалларнинг ҳисобварағларида пул маблағларининг етарлилигини назорат қилади, маблағлар етмаганда маблағ билан таъминлаш усуллари ишлаб чиқади

в) Турли банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар

Амалиётда кўп ҳолларда икки турли банкларнинг мижозлари бир-бирлари билан хўжалик муносабатларини ўрнатадилар бу эса ушбу банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказишда банк типи ва банк кодига алоҳида эътибор берилади.

Бош банк электрон тўловларни қайта ишлаб ягона вакиллик ҳисобварағи орқали бенифициор банкка жўнатади. Бош банкда бу операциялар дастурий йўл билан қуйидаги проводка билан ифодаланади.

Дебет 22204 Филиалларга, филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар

Кредит 10301 Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи

Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўловлар келиб тушганда тўловни оловчи бош банкда дастурий йўл билан ушбу проводка бажарилади.

Дебет 10301

Кредит 22204

Филиаллар банклараро операциялар бўйича электрон тўловлар келиб тушганда дастурий йўл билан мижознинг ҳисобварағига маблағни тушириш бўйича қуйидаги проводкани бажаради

Дебет 16103 Кредит мижознинг ҳисобварағи

⁹ Муаллиф томонидан тузилди

Бош банкда клиринг натижалари бўйича якунлаш операциялари автоматик тарзда ўтказилади. Ягона балансга ўтганда 16103 ва 22204 ҳисобварақлар ўзаро ёпилади.


Турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази орқали бажарилади. Бу операцияларни қуйидаги схема орқали кўриш мумкин.



5-расм. Банклараро ҳисоб-китобларнинг ўтиш технологияси¹⁰

Юқоридаги схемада турли банкларнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг 2 бош банк орқали ўтиши мужассамлашган турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар схемада кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади.


¹⁰ Муаллиф томонидан тузилди



6-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони¹¹

Ушбу расм маълумотларига эътибор берадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2012 йилда 48671 минг донани ташкил этиб 2003 йилга нисбатан 3 бараварга ошган. Тўлов тизими орқали ўтказиладиган транзакциялар ўсиш тенденциясига эга бўлган.

¹¹ www.cbu.uz сайти маълумотлари



7-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси¹²

Шунингдек, ушбу транзакциялар бўйича ўтказилган сумма 2012 йилда 744195 млрд. сўмни ташкил этган. Бу ўртача ҳар бир транзакциянинг суммаси 15290 минг сўмни ташкил этган. 2003 йилда ҳар бир транзакциянинг суммаси 16410 минг сўмни ташкил этган. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида амалга оширилган транзакциялар суммаси сезиларли равишда ўсиб борган.

¹² www.cbu.uz сайти маълумотлари

III БОБ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

3.1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали ривожлантириш


Ўзбекистонда пластик карточка нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида оммабоп дастакка айланди. У нафақат нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга имкон беради, балки аҳоли учун харид қилинган товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда қўшимча қулайликлар ҳам яратади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам бир қатор афзалликлар берадиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилинди. Албатта, янгиликни жорий этиш кўплаб саволларни туғдиради, бироқ моҳиятни тўғри тушуниш ва мазкур тўлов тизимини жорий этиш мақсадлари, шунингдек, уларнинг қулайликлари ва имтиёзларидан хабардор бўлиш, шубҳасиз, замонавий банк хизматлари ва маҳсулотларини илгари суришга имкон яратади.

Тўловнинг замонавий ва қулай воситаси сифатида пластик карточкани оммавийлаштиришга йўналтирилган фаол тушунтириш тадбирлари натижасида аҳоли ва тадбиркорлар пластик карта ёрдамида ҳисоб-китобларнинг барча афзалликларини англаб етадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 24 сентябрдан 445-сон билан қабул қилинган “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори 445-сонли қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб 2013 йил 1 январгача банк пластик карточкалари сони 9502626 тани ташкил қилди (8-расм). Агар ушбу кўрсаткич билан 2005 йил бошидаги ҳолатни таққосласак, 24 баробардан кўпга ошганлигини қайд

этиш мумкин. Пластик карточкаларни муомалага чиқариш айниқса 2005 йилдан бошлаб кескин ошиб борганлигини кўрсак бўлади.



8-расм. Муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони (2013 йил 1-январ ҳолатига)¹³

2005-2012 йиллар давомида Марказий банк ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, Ягона умумреспублика процессинг маркази ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда ниҳоятда самарали тўлов тизимини шакллантириш ва унинг фаолият юритишига имкон яратдилар. Масалан, тижорат банклари томонидан пластик карточкаларни оммавий тарзда жорий этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш бўйича иш бошланганлигини ҳисобга олиб, тижорат банкларининг пластик карточкалар бўйича хизматлар қийматини арзонлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19-апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

¹³ www.cbu.uz сайти маълумотлари

тўғрисида”ги ПҚ-1325-сонли, 2006 йил 3-августдаги 433-сонли қарорлари қабул қилиниши пластик карточкалар тизимига юртбошимиз томонидан катта эътибор берилаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, нафақат банк тизимига, балки савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳам бир қатор имтиёзлар ва масъулият олиб келди.

Шу ўринда ҳудудлар бўйича тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкаларни ўрганиб чиқсак.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари миқёсида муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари таҳлили¹⁴

2013 йил 1 январь ҳолатига

№	Ҳудудлар	Муомалага чиқарилган пластик карталар сони		Шундан					
				Жисмоний шахсларнинг пластик карталари		Юридик шахсларнинг корпоратив карталари		Якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карталари	
		сони	% да	сони	% да	сони	% да	сони	% да
1	Қорақалпоғистон Рес.	784 259	8,3	783 402	8,3	604	2,4	253	2,1
2	Андижон	628 291	6,6	626 709	6,6	749	3,0	833	7,0
3	Бухоро	574 960	6,1	573 303	6,1	932	3,8	725	6,1
4	Жиззах	331 735	3,5	330 665	3,5	552	2,2	518	4,3
5	Қашқадарё	796 392	8,4	795 461	8,4	671	2,7	260	2,2
6	Навоий	463 132	4,9	460 592	4,9	650	2,6	1 890	15,9
7	Наманган	543 837	5,7	542 970	5,7	509	2,1	358	3,0
8	Самарқанд	703 210	7,4	701 625	7,4	891	3,6	694	5,8
9	Сурхондарё	540 146	5,7	539 424	5,7	391	1,6	331	2,8
10	Сирдарё	284 527	3,0	284 127	3,0	342	1,4	58	0,5
11	Тошкент	533 431	5,6	530 302	5,6	1 561	6,3	1 568	13,2
12	Фарғона	885 193	9,3	883 667	9,3	992	4,0	534	4,5
13	Хоразм	413 008	4,3	411 925	4,4	789	3,2	294	2,5
14	Тошкент ш.	2 020 505	21,3	2 001 727	21,1	15 174	61,2	3 604	30,2
15	ЖАМИ	9 502 626	100,0	9 465 899	100,0	24 807	100,0	11 920	100,0

5-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики энг кўп муомалага чиқарилган пластик карточкалар Тошкент шаҳрида 21,3 фоиз, Фарғона вилояти 9,3 фоиз, Қашқадарё вилояти 8,4 фоиз. Энг кам муомалага чиқарилган пластик карточкалар Жиззах вилояти 3,5 фоиз ва Сирдарё

¹⁴ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

вилояти 3,0 фоизни ташкил этган. Жисмоний шахсларнинг пластик карталари ҳам жами муомалага чиқарилган пластик карточкалар салмоғига мос. Юридик шахсларнинг корпоратив карталари бўйича энг юқори салмоққа Тошкент шаҳри 61,2 фоиз кўрстаткичга эга. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карталари ҳам Тошкент шаҳри 30,2 фоиз, Навоий вилояти 15,9 фоиз, Тошкент вилояти 13,2 фоизни ташкил этган. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки ҳудудларда юридик шахсларнинг корпоратив карталари ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карталарини муомалага чиқаришни кўпайтириш лозим. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларининг сонини мамлакатимиз аҳоли сонига нисбатини кўрадиган бўлсак, ҳар 3 кишининг бирида пластик карточка мавжудлигидан далолат беради.

Аҳолининг ишончи ва хабардор бўлишини ошириш учун банклараро тўлов тизими доирасида ягона «Uzkart» логотипи ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, у ўз навбатида функционал нуқтаи назардан олганда пластик карточка эгаларини мазкур белги ўрнатилган савдо-сервис корхонаси ушбу тўлов тизими карточкаларини тўловга қабул қилишидан хабардор қилиши керак. Бундан ташқари, ҳар бир минтақада «ишонч телефонлари» орқали миждозларнинг аризаларини кўриб чиқилиши йўлга қўйилган. Пластик карточкаларни тўловга қабул қилишдан бош тортиш, шунингдек, пластик карточкаларга хизмат кўрсатишнинг тасдиқланган ягона тарифларига риоя қилмаслик ҳоллари бўйича келиб тушадиган аризалар ва мурожаатлар ҳар бир идоранинг тезкор гуруҳи томонидан кўриб чиқилади. 2011-2015 йилларда пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тармоғини кўшимча кенгайтиришнинг тасдиқланган прогноз параметрлари доирасида республиканинг барча минтақаларида тижорат банкларига маслаҳатлар бериш, шунингдек, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскаларни таъмирлаш хизматларини кўрсатадиган ихтисослашган сервис марказларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар соҳасидаги охириги янгиликларни Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг www.uba.uz

сайтидан ҳам билиш мумкин. Ушбу ресурс «Uzkart» ахборот-маълумот интернет-портали томонидан ташкил этилган ва мунтазам янгиланиб туради.

Шу билан бир қаторда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш учун масъул бўлган тижорат банклари ходимларининг малакасини ошириш учун мунтазам равишда қисқа муддатли ўқув курслари, шунингдек, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бир қатор олий ўқув юртларининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда пластик карточкалардан фойдаланишда тақдим этилган имтиёзлар ва мавжуд афзалликларини тушунтириш мақсадида савдо-сервис корхоналари ва муассасалари раҳбарларининг иштирокида жойларда семинарлар ўтказиляпти. Масалан, умумтаълим мактаблари юқори синфлари, лицейлар, коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари дастлабки курсларининг талабалари, ўқувчиларнинг кенг доираси учун рус ва ўзбек тилларида пластик карточкалар ва савдо терминалларида фойдаланиш бўйича ўқув қўлланмаси, «Банк пластик карточкаси – замонавий ва қулай тўлов воситаси» рисоласи ва «Ўзбекистон Республикасида тўловларни пластик карточкалар воситасида амалга ошириш бўйича қонун ҳужжатлари тўплами» нашр этилди.

Товламачилик ҳаракатларидан ҳимоя қилиш борасида аҳолининг хабардорлигини ошириш ва банк карталаридан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш чоғида хавфсизлик чораларини кўриш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш тартибини тушунтириш учун эса Марказий банк билан ҳамкорликда банкларнинг миждозлари ўртасида тарқатиш учун «Банк карталаридан хавфсиз фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Савдо-сервис корхоналари томонидан тўлов терминалларида лозим даражада фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» йўриқномалари ишлаб чиқилди. Шубҳасиз, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда

ижтимоий йўналтирилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг шаклланиш ва ривожланиш соҳасидаги ижобий ютуқларини уларни мамлакат раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватлашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Молиявий бозорнинг пластик карточка сифатидаги мазкур сегментига давлатнинг алоҳида эътибори тўғрисида бир қатор қабул қилинган қарорлар гувоҳлик беради, улар локал тўлов тизими ташкил этилган пайтдан бошлаб унинг барча иштирокчиларига солиқ ва божхона имтиёзларини бериш йўли билан фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага киритилган, ушбу тизимни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётган сўнгги ўзгартиришлар ҳақида гапирганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорини таъкидлаш лозим. Мазкур қарорга кўра, тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази 2014 йил 1 январгача банкоматлар, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари, терминаллар, коммутация ускуналари ва бошқа ускуналар, пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган дастурий таъминот қисмида мол-мулк солиғини, шунингдек, улар импорти чоғида божхона тўловларидан озод қилинадилар.

2014 йил 1 январгача банкнинг микропроцессор пластик карточкаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам банк пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё, сарфланадиган ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар импорти чоғида божхона тўловларини тўлашдан озод қилинади.

Мазкур қарор билан тўлов тизимининг бошқа иштирокчилари – савдо-сервис корхоналари учун ҳам бир қатор преференциялар берилганлиги ҳам

алоҳида эътиборга сазовор. Юридик шахслар – хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун фойда солиғининг амалдаги ставкалари, шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари пластик карточкалар кўлланган ҳолда тўланган, реализация қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича 10 фоизга камайтирилиши белгиланган.


Бу борада шуни қўшимча қилиш муҳимки, тежалган маблағлар аҳоли – пластик карточкалар эгалари ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун ҳам бошқа қўшимча қулайликларни яратишга имкон яратади. Масалан, ушбу маблағлар молиявий хизматлардан куну-тун ёки операцияларни ўтказиш учун банкларга келиш заруратисиз фойдаланиш имконини берадиган оммавий ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ахборот-маълумот терминаллари тармоғини яратишга йўналтирилади, шунингдек, маълумотлар марказлаштирилган базаси, биллинг маркази фаолиятини ташкил этиш ва амалдаги технологик платформани такомиллаштиришга йўналтирилади.

Тўлов тизимининг амалдаги дастурий платформасини модернизациялаш ва янада такомиллаштириш тўғрисида сўзлаганда, шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тижорат банклари ЯУПМ билан ҳамкорликда амалдаги технологик платформани халқаро EMV стандартларига мувофиқ модернизацияладилар. Шу сабабли, бугунги кунда такомиллаштирилган платформа, бундан ташқари, тизимга янги функцияларни тезкор қўшиш ва банк ҳамда тўлов хизматларининг янги турларини жорий этиш учун катта имкониятлар очмоқда. Терминал ускуналарнинг янги турлари ва моделларини улаш, шунингдек, маълумотлар базасига кира оладиган шахслар доирасини чеклаш ҳисобига ахборотнинг ҳимояланиш даражасини ошириш ва товламачилик ҳаракатлари хатарининг олдини олиш имконияти пайдо бўлди.

EMV дастурий платформасининг амалдаги «Uzkart» тизимига бир маромда интеграцияланишининг яна бир афзаллиги нафақат банкларнинг пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича инфратузилмани барпо

этишга йўналтирилган аввалги инвестицияларни сақлаб қолиш имконини берди, балки тўловларни пластик карточкаларни қўллаган ҳолда икки режимда ўтказиш: офф-лайн ҳамда он-лайн режимларида ишлайдиган пластик карточкаларни тўловга қабул қилиш имкониятини ҳам тақдим этди.

Нақд пулсиз тўловлар бозорига он-лайн карталарини ҳам жорий этилишини ҳисобга олиб, тижорат банклари «Uzkart EMV» дастурий маҳсулоти билан автоматлаштирилган банк тизимларини модернизацияладилар, шунингдек, «Uzkart» БТТ (Банклараро Тўлов Тизими) маълумотлар базасида тижорат банкларининг барча хизмат кўрсатувчи терминал тармоғини қайта рўйхатдан ўтказиш иши олиб бориляпти ва уларнинг, шу жумладан банкомат ва инфокиоскаларнинг дастурий таъминоти такомиллаштириляпти. «Uzkart» БТТ доирасида «SmartVista» EMV технологик платформасини жорий этиш эса «Uzkart» БТТ билан бирга интеграциялаш масаласини ҳал қилиш имконини берди. Энди тижорат банклари эмиссия қилаётган он-лайн режимида ишлайдиган янги намунадаги пластик карталарга мавжуд терминаллар орқали тўсиқларсиз хизмат кўрсатиляпти.



9-расм. Ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллар сони (2013 йил 1 январ ҳолатига)¹⁵

Ҳозирги кунда 2013 йил 1 январ ҳолатига 112712 дона терминал ўрнатилган. 2005 йилда агар 11187 дона терминал ўрнатилган бўлса (4-чизма) ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич деярли 10 бараварга кўпдир. Терминаллар айниқса 2010 йилда кескин равишда кўпайганлигини кўрсак бўлади.

Пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга оширувчи воситагина бўлиб қолмай, мамлакат иқтисодиётини ўсишига кўмаклашиш, молиявий тизимни мустаҳкамлаш, инфляциянинг олдини олиш, нақд пул муомаласининг банк орқали айланишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Шу билан бирга ҳудудларда ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари кўриб чиқсак.

6-Жадвал

**Ўзбекистон Республикаси вилоятлари миқёсида
банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони¹⁶**

2013 йил 1 январь ҳолатига

№	Ҳудудлар	Муомалага чиқарилган пластик карталар сони	Банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони		1 та терминалга тўғри келувчи пластик карталар
		сони	сони	% да	
1	Қорақалпоғистон Рес.	784 259	5 814	5,2	135
2	Андижон	628 291	7 855	7,0	80
3	Бухоро	574 960	6 392	5,7	90
4	Жиззах	331 735	4 577	4,1	72
5	Қашқадарё	796 392	7 793	6,9	102
6	Навоий	463 132	5 773	5,1	80
7	Наманган	543 837	6 120	5,4	89
8	Самарқанд	703 210	8 969	8,0	78
9	Сурхондарё	540 146	5 254	4,7	103
10	Сирдарё	284 527	3 364	3,0	85
11	Тошкент	533 431	10 006	8,9	53
12	Фарғона	885 193	10 802	9,6	82

¹⁵ www.cbu.uz сайти маълумотлари

¹⁶ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

13	Хоразм	413 008	5 744	5,1	72
14	Тошкент ш.	2 020 505	24 249	21,5	83
15	ЖАМИ	9 502 626	112 712	100,0	84

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2013 йил 1 январгача жами 112712 дона терминал ўрнатилган. Терминаллар Тошкент шаҳрида 24249 дона (21,5 фоиз), Фарғона вилоятида 10802 дона (9,6 фоиз), Тошкент вилоятида 10006 дона (8,9 фоиз) ўрнатилган бўлиб, бошқа вилоятларга нисбатан юқори салмоққа эга. Худудлар бўйича ҳар бир терминалга тўғри келувчи пластик карталар сони Тошкент вилояти 53 дона, Хоразм вилояти 72 дона, Жиззах вилояти 72 донани ташкил этади. Ўртача республика бўйича битта терминалга 84 дона пластик карточка тўғри келади. Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларида тўлов терминаллари сонини кўпайтириш лозимлигини кўрсатади.


Банк пластик карточкаларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, карта эгаларига қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари ўз филиал тармоқларида банкоматларни ўрнатишни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш пайтида терминал инфокиоск орқали маълумотлар ЯУПМдаги билинг тизимида электрон кўринишда келиб тушади. Бу маълумотларни махсус дастур билан қайта ишлангандан кейин хизмат кўрсатувчи банк ва ҳисоб банкига юборилувчи тўлов реестрлари тузилади. Ўз навбатида хизмат кўрсатувчи банк бу реестр асосида коммунал ташкилотларга тўловларни амалга оширади.

Уяли алоқа хизматлари учун тўловларни терминал – инфокиоск орқали амалга ошириш пайтида электрон кўринишдаги маълумотлар ЯУПМ биллинг тизимида ва автоматик тартибда бу маълумотлар пайнет тизими орқали уяли алоқа компанияси тизимида тушади. Махсус дастур билан ишлаб чиқилгандан сўнг реестрлар тузилади ва алоқа тизими орқали хизмат кўрсатувчи банк ва ҳисоб банкига юборилади. Хизмат кўрсатувчи

банк уяли алоқа тўловларини реестрларга кўра амалга оширади. Уяли алоқаси хизмати тўловлари “On-line” шаклида ишлайди.

ЯУПМ “TECHNOLOGY” МЧЖ - терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.



10-расм. Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони (2013 йил 1 январ ҳолатига).¹⁷

10-расмда Ўзбекистон Республикаси бўйича тижорат банклари томонидан 2000 йилдан 2013 йилгача ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони тўғрисида маълумот берилган. 2000 йилда бор йўғи 98 та банкомат ўрнатилган бўлса 2013 йил 1 январ ҳолатига келиб жами 1417 донa банкомат ва инфокиоск ўрнатилган. Бу пластик карточкалар бозорида пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш хажмининг ошганлигидан далолат беради.

Техник бўлим терминалларни (EFT Smart I, EFT Smart II, Ingenico i5100, Ingenico ICT220, PAX S90, PAX P80), банкоматлар (NCR 6622, 6632) и NGT инфокиоскларни таъмирлаш ишлари билан шуғулланади.

7-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики мамлакатимиз бўйича жами 1417 донa банкомат ва инфокиоскалар ўрнатилган. Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскаларнинг 42,8 фоизи Тошкент шаҳрида, 8,9 фоизи

¹⁷ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Фарғона вилоятида, 7,6 фоизи Самарқанд вилоятида ўрнатилган. Битта банкомат ва инфокиоскага тўғри келувчи пластик карточкалар сони республика бўйича ўртача 6706 донани ташкил қилмоқда. Агар бир ойда ўртача 24 кун иш куни бўлиб, пластик карточка бўйича банкомат ёки инфокиоскадан бир ойда бир марта фойдаланилса бир кунда 279 та пластик карточкага хизмат кўрсатилади. Бу банкомат ва инфокиоскалар сонининг камлиги тасдиқлайди. Худудлар бўйича таҳлил қилсак, битта банкомат ёки инфокиоска энг кўп Қашқадарё вилоятида 17313 та, Қорақалпоғистон Республикасида 16686 та, Андижон вилоятида 12083 та пластик карточкага хизмат кўрсатади.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари миқёсида банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони¹⁸

2013 йил 1 январь ҳолатига

№	Худудлар	Муомалага чиқарилган пластик карталар сони	Банклар томонидан ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони		1 та банкомат ёки инфокиоскага тўғри келувчи пластик карталар
			дона	% да	
1	Қорақалпоғистон Рес.	784 259	47	3,3	16686
2	Андижон	628 291	52	3,7	12083
3	Бухоро	574 960	75	5,3	7666
4	Жиззах	331 735	25	1,8	13269
5	Қашқадарё	796 392	46	3,2	17313
6	Навоий	463 132	70	4,9	6616
7	Наманган	543 837	74	5,2	7349
8	Самарқанд	703 210	107	7,6	6572
9	Сурхондарё	540 146	62	4,4	8712
10	Сирдарё	284 527	27	1,9	10538
11	Тошкент	533 431	56	4,0	9526
12	Фарғона	885 193	126	8,9	7025
13	Хоразм	413 008	43	3,0	9605
14	Тошкент ш.	2 020 505	607	42,8	3329
15	ЖАМИ	9 502 626	1 417	100,0	6706

¹⁸ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Банк мижози хизмат кўрсатувчи банкнинг савдо ташкилотида харидни амалга оширмакчи бўлса, савдо ташкилоти бу банк БТТ «Ўзкарт» қатнашчиси эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Хизмат кўрсатувчи банк пластик карталар қабул қилиш инфраструктурасини қўллаб қувватланишини таъминлайди, буларга одатда банкоматлар, нақд пул берувчи бўлимлар, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари киради. Хизмат кўрсатувчи банк савдо ташкилотига ҳар қандай БТТ «Ўзкарт» қатнашчи банкининг картаси орқали амалга оширилган операциялар учун барча маблағларни қайтаришга кафолат бериб, савдо ташкилотларида пластик карта хизматини ташкиллаштириш учун улар билан шартномалар тузади. «Ўзкарт» тўлов тизими кафолати савдо ташкилотининг нақд пулга бўлмаган харид маблағини қайтариб олиш ишончини оширади. Бу ишонч ҳисоб-китоб технологияси асосида пластик карталаридан фойдаланиш орқали қурилган.


Хизмат учун тўлов жараёнида савдо картаси терминали мижоз тақдим этган пластик картадан амалиётни бажариш учун зарур маълумотни “ўқийди” ҳамда мижознинг шахсан ўзидан қўшимча идентификациявий маълумотни олиши мумкин (мижознинг банкдаги шахсий идентификация рақами, мижоз исми ва бошқа идентификациялар). Кейин савдо ташкилоти кассири харид ҳақидаги маълумотни қўшади. Амалиётга руҳсат бериш ёки бермаслик терминал ва карта томонидан қарор қилинади. Терминал картаси талаб пайтида қуйидагиларни текшириши лозим:

- картанинг тўлов тизими стоп-лист рўйхатида бор йўқлигини;
- амалиётнинг бажарилиш имкониятини (масалан, карта ўз эгасининг PIN-кодини мажбурий текшириш орқали ишлатилиши лозим ва бошқалар)

Хизмат ва маҳсулотларнинг нақд пулсиз тўловининг яна бир асосий қисми пул ўтказмаси қатнашчилари орасида тузилади. Банклар орасидаги тўловлар учун кафил БТТ «Ўзкарт» ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар, одатда, акцептсиз (яъни қатнашчиларнинг махсус рухсатсиз) банклар томонидан

БТТ «Ўзкарт» ҳисоб банкида очилган махсус ҳисоб рақами орқали амалга оширилади.

БТТ «Ўзкарт» нинг қатнашиши ва кафолати ёрдамида маблағ миқдор ҳисобидан савдо ташкилоти ҳисобига ўтказилади.



11-расм. Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси.¹⁹

11-расмдан кўриниб турибдики БТТ «Ўзкарт» орқали жисмоний шахслар йилдан-йилга кенг фойдаланишмоқда. 2005 йилдан то 2011 йилга қадар ҳар йил ўтказилган тўловлар суммаси деярли 2 баробар кўпайиб борган. 2012 йили 12658,5 млрд. сўмни ташкил этиб 2011 йилга нисбатан 2466,1 млрд. сўмга кўпдир. Бу аҳолининг ушбу тўлов тизимига ишонч ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, жумладан, пластик карточкалар орқали тўловларни ўтказиш тизимини такомиллаштиришга банк тизими фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилди ва бу борада сезиларли ишлар қилинди.

3.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали такомиллаштириш

¹⁹ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими (бундан кейинги ўринларда тизим деб юритилади) банк ва унинг мижози ўртасидаги муносабатларни автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, пул маблағларини бошқаришнинг тезкорлигини ҳамда банк операцияларининг сифатли қайд қилинишини таъминлайди.

Тизимнинг асосий вазифалари:

мижозни аутентификация қилиш;

электрон тўлов ҳужжатларини киритиш;

электрон тўлов ҳужжатларини шифрлаш ва уларни банк ахборот тизимларида қайта ишлаш учун алоқа каналлари орқали узатиш;

ахборот хабарларини қабул қилиш - узатиш;

ҳисобот шакллари (шахсий ҳисобварақлар, электрон тўлов ҳужжатлари, киритилган ҳужжатларнинг рўйхатини) кўриш ва чоп этиш.


Тизим банкнинг мулки ҳисобланади ва Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимини ташкил қилиш қоидалари (рўйхат рақами 1767-сон, 2008 йил 13 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 6-7-сон, 33-модда) талабларига мос бўлиши шарт.

Тизимдан фойдаланиш ва тизим хизматлари учун ҳақ миқдори банк ва мижоз ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Мижоз ва банкнинг алоқа каналлари орқали ахборот алмашинуви шартномада кўрсатилган вақтда амалга оширилади.

Мижоз янги амалиёт кунида ишни бошлашдан олдин, ўзининг шахсий ҳисобварағидаги аввалги амалиёт куни учун айланма ва қолдиқларини текшириши керак. Айланма ва қолдиқлар тўғрисидаги маълумотлар мос келган ҳолда мижоз электрон тўлов ҳужжатларини киритишни бошлаши мумкин, акс ҳолда улар ўртасидаги фарқ сабабларини аниқлаши шарт. Мижоз ва банк ўртасида ахборот сўровлари ва хабарлари алмашинуви шахсий депозит ҳисобварақлардаги айланма ва қолдиқларни текшириш натижаларидан қатъи назар, амалга оширилади.

Мижоз Тизимда қуйида келтирилган чизмага мувофиқ ишлайди.



12-расм. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизим схемаси²⁰

Мижоз Тизимда тўловларни тўловчи сифатида амалга оширишда фақат тўлов топшириқномаларини қўллаши мумкин. Бундан ташқари, солиқ органлари бевосита тўловчининг банкига электрон кўринишда инкассо топшириқларини қўйиши мумкин.

Тизим орқали телекоммуникация провайдерлари ва операторлари ёки коммунал хизмат ташкилотлари фойдасига миждоз томонидан бир хил турдаги операцияларни амалга ошириш учун банк билан миждоз ўртасидаги шартномада тўловчи - миждознинг аниқ идентификация маълумотлари (телефон рақамлари, шахсий ҳисобварақлари ва бошқалар) кўрсатилиши лозим.

Мижоз топшириғи бўйича тизим орқали учинчи шахсларнинг тўловларини амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китоб ҳужжатининг асл нусхасига тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

²⁰ Муаллиф томонидан тузилди

Мижозларнинг сўровлари автоматик тарзда қайта ишланади. Барча ўзгартиришлар, шу жумладан, мижозларнинг тизимга кириш ва чиқиш вақтлари банк ахборот тизимида қайд қилинади ҳамда электрон баённома тузилади.

Тизим орқали юборилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари банкка тақдим қилинмайди ва мижозда сақланади. Бунда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари расмийлаштирилишининг тўғрилиги, уларнинг электрон ва қоғоз кўринишлари мувофиқлиги бўйича жавобгарлик мижозга юклатилади.

Тизимда мижоз томонидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 7-сон) талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Телекоммуникация провайдерлари ва операторлари ёки коммунал хизмат ташкилотлари фойдасига бир хил турдаги операцияларни амалга ошириш учун тўловчи – мижознинг фақат идентификация маълумотларини (телефон рақамлари, шахсий ҳисобварақлари ва бошқаларни) киритишга рухсат этилади.

Ҳужжатларни Тизимга киритиш тугатилгандан сўнг яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахснинг масъул ходими (бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс) ҳужжатнинг асл нусхасини унинг электрон нусхаси билан таққослаб текшириши ва электрон ҳужжатни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши керак.

Тизим орқали банкдан қабул қилинган ахборотни мижоз фақатгина кўриши ва чоп этиш имкониятига эга бўлади.

Тизим орқали хизмат кўрсатиладиган шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар мижознинг ўзи томонидан чоп қилинади.

Мижоз томонидан электрон рақамли имзо ёпиқ калити йўқотилган тақдирда ёки идентификация ва аутентификация маълумотлари учинчи

шахсларга маълум бўлиб қолгани бўйича шубҳа туғилганда, мижоз Тизим орқали хизмат кўрсатишни тўхтатиш юзасидан банкни дарҳол тузилган шартномага мувофиқ хабардор қилиши керак. Шундан сўнг, тизим орқали мижоз ҳисобварақларидан амалга оширилган операциялар бўйича жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

Мижозлардан келган барча ахборотлар дастурий равишда дешифрланади, реквизитлар бўйича назорат қилинади ва қайта ишлаш учун банк амалиёт кунига узатилади.


Тўлов амалга оширилгандан сўнг электрон тўлов ҳужжатлари реестр кўринишида чоп этилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2023, 2009 йил 23 октябрь) мувофиқ банкнинг масъул ходими қўшимча текширилиши лозим бўлган электрон тўлов ҳужжатларини чоп этиши ва уларни банкнинг тегишли бўлимлари билан келишиши мумкин.

Мижознинг ҳисобварағида тўлов учун маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаса, агар банк ҳисобварағи бўйича шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мижоз томонидан тизим орқали банкка юборилган электрон тўлов топшириқномаси қайта ишлаш учун банк амалиёт кунига қабул қилинмайди ва бу ҳақида мижозга хабар берилади.


Мижозлардан олинган барча ахборот банкда ҳар куни архивланади ва Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1685, 2007 йил 2 июнь) талабларига мувофиқ сақланади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) талабларига мувофиқ маблағларни ҳисобварақларга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ҳамда Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказига қайта ишлаш учун электрон тўлов ҳужжатини узатиш бўйича жавобгарлик банкка юклатилади.



13-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг умумий сони²¹

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2013 йил 1 январ ҳолатга 108496 тани ташкил этди. 2011 йил 1 январга нисбатан 5 баравар кўпдир.



14-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони (турлари бўйича)²²

14-расм маълумотларига эътибор берсак интернет-банкнинг ва банк-мижоз тизимидан фойдаланувчилар сони барқарор равишда кўпайиб

²¹ www.cbu.uz сайти маълумотлари

²² www.cbu.uz сайти маълумотлари

борган, SMS-банкнинг ва мобил банкнинг фойдаланувчилари барқарор равишда кўпаймаган бўлсада 2013 йил 1 январ ҳолатга 69326 тани ташкил этиб интернет-банкнинг ва банк-мижоз тизимидан фойдаланувчиларидан анча кўп.

Хулоса қилиб айтганда замонавий тўлов технологиялардан фойдаланиш Ўзбекистонда тез суръатлар билан ривожланмоқда.

ХУЛОСА

Иқтисодиётга нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маълум тизим асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш олдида қўйилган талабларни олади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг элементларинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80-90 фойизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоқли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан микроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуқтаи-назаридан давлатларнинг қизиқиши, мулкчилик шакилларининг қўпайиши ва турли мулкчилик муносабатларининг кенгайиб бориши асос бўлади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг товар айрибошлаш

Хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар буйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобварақга ўтказиш тушунилади.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимлари, иқтисодиётнинг бошқа тизимларига нисбатан, кучайтирилган назорат ва текширув объектлари ҳисобланади, чунки тижорат банклари ўз миқдорлари ҳисобланган давлат ташкилотлари, тижорат корхоналари ва хусусий шахсларнинг манфаатлари ҳимояланиши учун жавоб беради. Шу сабабли, давлат республика банк тизимининг барқарорлиги, бу барқарорликни хусусий таъминланиши ва унинг ривожланишидан манфаатдордир. Республика иқтисодиётида давлат асосий ислохотчи бўлса, банк тизимида эса, бу вазифа Республика Марказий банкка юклатилган. « Марказий банк

тўғрисида»ги қонунининг, 3-моддасида кўрсатилгандек, Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири республикада тўловларнинг самарали тизimini ташкил этиш ва таъминлашдан иборатдир.

Марказий банк тежамкор тўловлар тизimini таъминлаш мақсадида миллий тўловлар тизимининг яқин келгусидаги истиқболлари ва ривожланиш стратегиясини белгилайди. Туловлар тизими соҳасида бош молиявий мақсад, жойларда пул маблағларини хавфсиз ва самарали ўтказишдан иборат. Нақд пулсиз ҳисоб- китобларни ўтказишдаги тежамкорлик масаласи эса, тўловлар тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир. Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, Марказий банк томонидан «Нақд пулсиз ҳисоб китобларни амалга ошириш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди ва 2002 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди. «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом фуқаролик кодекси. «Марказий банк тўғрисида»ги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги, Қонунлар ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб- китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқаришган. Ушбу Низом бир маромда қўлланилиши мамлакатнинг бутун иқтисодий маконида ҳисоб- китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди. Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши устидан назорат, Низомда кўрсатиб ўтилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш принципларнинг бажарилишини текширишдан бошланади. Корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари банкдаги депозитлар бўйича ҳисобварақларда сақлагани учун, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барчаси банклардаги ҳисобварақлардан ўтказилади, бу эса, корхона ва ташкилотларнинг кунлик фаолиятининг банк томонидан назорат қилиб туришга шароит яратади. Шу билан бирга ҳўжаликлар ва юқори ташкилотлар ўртасида ҳам, ўзаро назоратни юзага келтиради.

Мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти, товар-пул муносабатлари, ривожланиши шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоидалари, хўжалик органлари томонидан, ҳисоб-китоб шакллариини эркин танлаш, принциплардан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди.

Хўжаликлар узаро ҳисоб-китобларда Низомда курсатилган, истаган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклидан фойдаланишлари мумкин. Банк эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар буйича назоратни, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли буйича, операцияларни амалга ошириш даврида олиб боради. Энг авало, ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг тури ва тулик расмийлаштирилганлиги, ҳамда уз вақтида тақдим қилаётганлиги текширилади.

Корхоналарнинг давлат тассаруфидан чиқрилаётган бир вақтда давлатга қарашли корхона ва ташкилотлардан бошқа мулкчилик шаклларига тегишли корхона ва ташкилотларга пул ўтказишни қучлирок назорат қилишни давр таказо этади. Шу мақсадда, давлат корхоналаридан хусусий корхоналар номига келиб тушган пул маблағлари аввал, алоҳида ҳисобварақда ўтказиб турилади, 3 кун ичида хусусий корхона раҳбарлари томонидан товар жўнатилгани, хизматлар бажарилгани, ҳақидаги ва бошқа керакли ҳужжатлар тақдим қилишлари лозим. Ушбу ҳужжатлар банкка тақдим қилингандан сўнг, алоҳида ҳисобварақдаги пул маблағлари ўтказиши лозим бўлган ҳисоб варақга ўтказилади. Агар товар жўнатилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар банкка тақдим этилмаса, эгасига қайтарилади. Чунки, асоссиз ҳисоб- китоб ҳужжатларини тақдим қилиш тўлов тизимидаш жиддий қонунбузарчилик ҳисоблаланади, ҳамда корхона ва ташкилотларнинг мавқеини ва молиявий фаолиятини издан чиқаради. Банк агар корхона ва ташкилотлар томонидан ноқонуний ҳисоб-китоблар рйсмийлаштирилганлигини аникласа, жарима ундириш ва бошқа чора-

тадбирлардан ташқари корхонанинг юқори ташкилоти ва ҳуқуқий органларни ҳам бу ҳақда хабардор қилади.

Тўлов тизимининг амалдаги дастурий платформасини модернизатсиялаш ва янада такомиллаштириш тўғрисида сўзлаганда шуни таъкидлаш лозимки ҳозирги вақтда тижорат банклари ЯУПМ билан ҳамкорликда амалдаги технологик платформани халқаро ЕМВ стандартларига мувофиқ модернизатцияладилар. Шу сабабли бугунги кунда такомиллаштирилган платформа бундан ташқари тизимга янги функцияларни тезкор қўшиш ва банк ҳамда тўлов хизматларнинг янги турларини жорий этиш учун катта имкониятлар очилмоқда. Терминал ускуналларининг янги турлари ва моделларини улаш ва шунингдек маълумотлар базасига кира оладиган шахчлар доирасида чеклаш ҳисобига ахборотни химоялаш даражасини ошириш ва товламачилик ҳаракатлари хатарини олдини олиш имконияти пайдо бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.

Асосий адабиётлар.

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил 21 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 25 апрел.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларни ўз вақтида келит тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси. 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси. 1999 й.
5. Ўзбекистон Республикасида «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида»ги 60-сонли Низом. 2002 йил 15 январ.
6. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари ҳақидаги 1-сонли йўриқнома. 2001 йил 6 октябр.
7. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги 61-сонли йўриқнома. 1997 йил 5 сентябр.
8. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. -Т.: «Молия» 2000 йил.
9. Абдуллаева Ш.З., Наврўзова К.Н. «Банкларда бухгалтерия ҳисоби асослари» Ўқув қўлланма. -Т.: «ТМИ» 2001 йил.
10. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов под ред. Проф. А.Н.Товашева, М.: «Юнити Дана» 2001.
11. Банки и банковское дело / под ред. И.Т.Балабанова -С-Пб.: «Питер» 2001.
12. Братко А.Г. Банковское право: теория и практика -М.: «ПРИРОР» 2000.

13. Иминов О.К. «Кредитный механизм современных условиях» монография. -Т.: «ТГЭУ» 2000.

14. Козлова Е.П., Бабченко Т.Н. «Сборник корреспонденций счетов бухгалтерский учета по новому плану счетов». -М.: «Бухгалтерский учет» 2001.

15. Муругова И.А., Наврўзова К.Н. «Основы бухгалтерского учета в банках». - Т.: «ТФИ» 2001.

16. Парфенов К.Г. «Банковский учет и операционная техника в коммерческих банках». Изд-е перераб. -М.: ЗАО Бухгалтерский бюллетень, 2001.

17. Шеремет А.Д. «Финансовый анализ в коммерческом банке». -М.: «Финансы и статистика» 2000.

Қўшимча адабиётлар.

1. Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулятини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси президенти Фармони. Т.: 2002 йил 30 март.

2. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўлов тизими бўйича ҳисоб-китобларни юритиш ҳақидаги 1010-сонли Низом. 2001 йил 15 феврал.

3. Банкларни тугатиш тўғрисидаги 240-сонли Низом. 1996 йил 20 июл.

4. Депозиторлар миллий ахборотлар базаси ҳақидаги 263-сонли Низом. 1996 йил 3 октябр.

5. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварақлари бўйича фоиз ҳисоблаш ҳақидаги 145-сонли Низом 1996 йил 20 сентябр.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини бажариш тартиби тўғрисидаги 326- сонли Низом. 1997 йил 15 март.

7. Ҳисоб-китоб марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича 400-сонли йўриқнома. 1998 йил 6 июл.

8. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби. 1996 йил 20 сентябр.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон» 1997.

10. Абдуллаева Ш.З. «Банк иши» Ўқув қўлланма.-Т.: «ТМИ» 2000.

11. Муллажонов Ф. «Банк тизими» -Т.: «Ўзбекистон», 2001.

Интернет сайтлари:

WWW.banking.com-минтақавий банklar, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.

WWW.banking.com/aba/- Америка банклари ассоциацияси.

[WWW.arraydev.com/commerce /JIBC/](http://WWW.arraydev.com/commerce/JIBC/) -интернет банкинг ва коммерция журнали.

WWW.bankingtech.com- банк технологиялари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.

Асосий адабиётлар.

18. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил 21 декабр.
19. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 25 апрел.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларни ўз вақтида келитиши тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил феврал.
21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси. 1999 й.
22. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси. 1999 й.
23. Ўзбекистон Республикасида «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида»ги 60-сонли Низом. 2002 йил 15 январ.
24. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари ҳақидаги 1-сонли йўриқнома. 2001 йил 6 октябр.
25. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги 61-сонли йўриқнома. 1997 йил 5 сентябр.
26. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. -Т.: «Молия» 2000 йил.
27. Абдуллаева Ш.З., Наврўзова К.Н. «Банкларда бухгалтерия ҳисоби асослари» Ўқув қўлланма. -Т.: «ТМИ» 2001 йил.
28. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов под ред. Проф. А.Н.Товашева, М.: «Юнити Дана» 2001.
29. Банки и банковское дело / под ред. И.Т.Балабанова -С-Пб.: «Питер» 2001.

30. Братко А.Г. Банковское право: теория и практика -М.: «ПРИРОР» 2000.

31. Иминов О.К. «Кредитный механизм современных условиях» монография. -Т.: «ТГЭУ» 2000.

32. Козлова Е.П., Бабченко Т.Н. «Сборник корреспонденций счетов бухгалтерский учета по новому плану счетов». -М.: «Бухгалтерский учет» 2001.

33. Муругова И.А., Наврўзова К.Н. «Основы бухгалтерского учета в банках». - Т.: «ТФИ» 2001.

34. Парфенов К.Г. «Банковский учет и операционная техника в коммерческих банках». Изд-е перераб. -М.: ЗАО Бухгалтерский бюллетень, 2001.

35. Шеремет А.Д. «Финансовый анализ в коммерческом банке». -М.: «Финансы и статистика» 2000.

36. Интернет сайтлари:

WWW.banking.com-минтақавий банклар, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.

WWW.banking.com/aba/- Америка банклари ассоциацияси.

WWW.arraydev.com/commerce /JIBC/ -интернет банкинг ва коммерция журнали.

WWW.bankingtech.com- банк технологиялари.

Қўшимча адабиётлар.

12. Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулятини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси президенти Фармони. Т.: 2002 йил 30 март.

13. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўлов тизими бўйича ҳисоб-китобларни юритиш ҳақидаги 1010-сонли Низом. 2001 йил 15 феврал.

14. Банкларни тугатиш тўғрисидаги 240-сонли Низом. 1996 йил 20 июл.

15. Депозиторлар миллий ахборотлар базаси ҳақидаги 263-сонли Низом. 1996 йил 3 октябр.
16. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварақлари бўйича фоиз ҳисоблаш ҳақидаги 145-сонли Низом 1996 йил 20 сентябр.
17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини бажариш тартиби тўғрисидаги 326- сонли Низом. 1997 йил 15 март.
18. Ҳисоб-китоб марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича 400-сонли йўриқнома. 1998 йил 6 июл.
19. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби. 1996 йил 20 сентябр.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон» 1997.
21. Абдуллаева Ш.З. «Банк иши» Ўқув қўлланма.-Т.: «ТМИ» 2000.
22. Муллажонов Ф. «Банк тизими» -Т.: «Ўзбекистон», 2001.